



SURHAN GAS CHEMICAL  
OPERATING COMPANY

Нотехник характерга оид қисқача маълумот



"ТАСДИҚЛАЙМАН"  
«Surhan Gas Chemical  
Operating Company» МЧЖ ХК  
Бош директори

А. Ю. Игнатов

«\_\_\_\_» 2021 йил

“Ўзбекистон мустақиллиги” инвестиция блокида геологик қидирув ишлари ва  
“Мустақилликнинг 25 йиллиги” дастлабки қўшимча қидирув ва ўрганиш  
ишларини олиб борган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Сурхондарё  
вилоятида газ-кимё комплексини қуриш лойиҳасининг

АТРОФ МУҲИТГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ

Нотехник характерга доир қисқача маълумот

Ишлаб чиқувчи:  
«BEZOPASNOST’ I  
KONTROL’»МЧЖ  
Бош директори

И. И.  
Парманқулов

«\_\_\_\_» 2021 йил

Тошкент, 2021

## Мундарижа

АТАМА ВА ТАЪРИФЛАР .....	3
ҚИСҚАРТМА ВА БЕЛГИЛАР РЎЙХАТИ .....	4
КИРИШ .....	5
1. ҚОНУНЧИЛИК ТАЛАБЛАРИ ВА МАЪМУРИЙ ТАЛАБЛАР .....	6
2 ЛОЙИҲА ҲАҚИДАГИ УМУМИЙ МАЪЛУМОТ .....	7
2.1 Лойиҳанинг мақсади .....	7
2.2. Фаолият ҳақида қисқача маълумот .....	7
2.2.1 Газ тўплаш тизими .....	9
2.2.2. Бойсун газни қайта ишлаш заводи .....	<b>Ошибка! Закладка не определена.</b>
2.2.3. Ташқи инфратузилма .....	14
2.2.4. Маъмурӣ хўжалик ва яшаш зонаси .....	17
2.2.4.1. 4500 кишига мўлжалланган вақтинчалик зонанинг бино ва иншоотлари (ВБвАИ) .....	17
2.2.4.2 250 кишига мўлжалланган вахта шаҳарчаси .....	17
2.2.4.3. 106 нафар оиласа мўлжалланган турар-жой шаҳарчаси .....	18
3. ЛОЙИҲА АМАЛГА ОШИРИЛИШИННИГ МУҚОБИЛ ТУРЛАРИ ТАҲЛИЛИ .....	19
4. ОБЪЕКТ ЖОЙЛАШГАН ЕРДАГИ АТРОФ МУҲИТ ҲОЛАТИ .....	22
4.1. Физик-географик ҳолат, гидрография ва муҳандислик-геологик шароит .....	22
4.2 Иқлим ва метеорологик шароит .....	23
4.3. Тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ижтимоий-иктисодий шароит ҳақидаги маълумот .....	24
5. АТРОФ МУҲИТГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ ВА АТРОФ-МУҲИТ ЎЗГАРИШИ ЭҲТИМОЛИНИНГ ПРОГНОЗИ .....	28
6. ЭҲТИМОЛ ҚИЛИНАДИГАН АВАРИЯ ҲОЛАТЛАРИНИ БАҲОЛАШ .....	32
7. САЛБИЙ ТАЪСИРНИ КАМАЙТИРИШ ТАДБИRLARI .....	34
7.1. Атроф-муҳит ҳимоя қилинишининг ташкилий-техник тадбирлари .....	34
7.2. Лойиҳанинг экологик мониторинги .....	35
ХУЛОСА .....	38
ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР РЎЙХАТИ .....	39
ИЛОВА .....	40

## **АТАМА ВА ТАЪРИФЛАР**

<b>Антрапоген таъсир</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– инсоннинг табиатга турли таъсири натижасида юзага келадиган ҳамда унинг сифат ва миқдор ўзгаришига олиб келадиган экологик омил</li> </ul>
<b>Ишлаб чиқаришдаги оқова сув</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– ишлаб чиқаришдаги турли технологик жараёнда фойдаланилгандан сўнг ўзининг физик ва кимёвий хусусиятини ўзгартирган, чиқариб ташланиши керак бўлган чучук сув</li> </ul>
<b>Маишӣ хўжалик оқова суви</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– инсоннинг маишӣ ҳаёт фаолияти натижасида пайдо бўладиган оқова сув</li> </ul>
<b>Ифлосланиш</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– муҳит учун хос бўлмаган янги физик, кимёвий, ахборот ёки биологик воситаларнинг муҳитга чиқарилиши ёки уларнинг пайдо бўлиши, ёки кўриб чиқилаётган вақтда табиий кўп йиллик ўртacha даражанинг ошиб кетиши</li> </ul>
<b>Заарли моддалар чиқарадиган манбалар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– ишлатилганда заарли моддалар чиқарадиган технологик агрегат, қурилма, мослама, аппарат ва ҳ.к.</li> </ul>
<b>Ҳавога заарли моддалар чиқарадиган манбалар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– қўйидагилар воситасида атмосферага чиқадиган заарли моддалар (мўркон, аэрация фонарлари, вентиляция шахтлари ва ҳ.к.)</li> </ul>
<b>Квота</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– инсон ва атроф муҳитга кўрсатган таъсиридан келиб чиқиб ҳисобланган, корхона жойлашган ердаги атмосферанинг ерга яқин қатламидаги рухсат этилган ифлослантирувчи моддалар меъёри</li> </ul>
<b>Ҳавфли ишлаб чиқариш обьекти</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– ҳавфли моддалар фойдаланиладиган, ишлаб чиқариладиган, қайта ишланадиган, ҳосил бўладиган, сақланадиган, ташиладиган, йўқотиладиган корхона ёки корхонанинг цехи, ишлаб чиқариш бўлинмаси, майдони ва бошқа ишлаб чиқариш обьекти</li> </ul>
<b>Чиқиндилар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– маҳсулотнинг ушбу турини ишлаб чиқариш учун ярамайдиган хом ашё, унинг фойдаланишга яроқсиз қолдиги ёки технологик жараёнда пайдо бўладиган (қаттиқ, суюқ ва газсимон) моддалар, энергия, айнан шу ишлаб чиқаришда (шу жумладан, қишлоқ хўжалигига ва қурилишда) утилизация қилиб бўлмайдиган чиқиндилар. Бир ишлаб чиқаришнинг чиқиндиси, иккинчи ишлаб чиқариш учун хом ашё бўлиши мумкин. Заарли чиқинди нейтрализация қилиниши керак. Ишлатиб бўлмайдиган чиқинди, ахлатга айланади.</li> </ul>
<b>Иш жойи ҳавосидаги моддаларнинг рухсат этилган концентрация чегараси (РЕКЧ)</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– бутун иш даври давомида ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) 8 соатдан ишлаганда ёки иш соати бошқача бўлгани билан иш вақти ҳафтасига 41 соатдан ошмагандан, инсоннинг касаллик келтириб чиқармайдиган ёки ишлаш жараёнда соғлиғида замонавий тадқиқот усуллари билан топиш мумкин бўлган оғиш бўлишига олиб келмайдиган, ёки ҳозирги ва кейинги авлоднинг яшаш муддатига таъсир қилмайдиган концентрация</li> </ul>

## ҚИСҚАРТМА ВА БЕЛГИЛАР РҮЙХАТИ

<b>БГҚИЗ</b>	-Бойсун газни қайта ишлаш заводи
<b>ВВвАИ</b>	-Вақтингчалик бино ва иморатлар
<b>ХЛ</b>	-Ҳаво линияси
<b>ОТАЛ</b>	-Оптик толали алоқа линияси
<b>ДЕЕ</b>	-Давлат экология экспертизаси
<b>ЭПС</b>	-Engineering, Procurement and Construction/Лойиҳалаш, моддий техник таъминот ва қурилиш
<b>МТҲБ</b>	-Мұхитга таъсири ҳақидағи баёнот
<b>КМК, СНиП,</b>	-Қурилиш меъёрлари ва лойиҳалаш қоидалари
<b>ШНК</b>	
<b>ТҮН</b>	-Текшириб ўтказиш нұктаси
<b>КТПС</b>	-Комплект трансформатор подстанцияси
<b>ТЁС</b>	-Тез ёнадиган суюқлик
<b>ЭУЛ</b>	-Электр узатиш линияси
<b>НГО</b>	-Нефть-газ операциялари
<b>ТКБ</b>	-Таянч кончилик базаси
<b>АМТБ</b>	-Атроф-мұхитга таъсирини баҳолаш
<b>ЖЭ</b>	-Жамоатчилик әшитуви
<b>РЕКЧ</b>	-Рұхсат этилган концентрация чегараси
<b>АМТҲБЛ</b>	-Атроф мұхиттегі таъсири ҳақидағи баёнот лойиҳаси
<b>ҚТЭЛ</b>	-Қурилишни ташкил этиш лойиҳаси
<b>ИЧЧП</b>	-Ишлаб чиқариш чиқындилари полигони
<b>ДТИА</b>	-Дастлабки техник иқтисодий асослаш
<b>ИЧЕНҚ</b>	-Ишлаб чиқаришни экологик назорат қилиш
<b>НХҚМ</b>	-Нотехник характерга оид қисқача маълумот
<b>СанМҚ</b>	-Санитария меъёр ва қоидалари
<b>ШЗ</b>	-Санитария химоя зонаси
<b>МТБ</b>	-Махсулот тақсимотига оид битим
<b>ХТ</b>	-Хавфсизлик техникаси
<b>ҚМЧ</b>	-Қаттиқ майший чиқындилар
<b>ТШ</b>	-Техник шартлар

## КИРИШ

“Ўзбекистон мустақиллиги” инвестиция блокида геологик қидирав ишлари ва “Мустақилликнинг 25 йиллиги” конида қўшимча қидирав ва ўрганиш ишларини олиб борган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Сурхондарё вилоятида газ-кимё комплексини қуриш лойиҳаси (бундан кейинги ўринларда “Лойиҳа” дейилади) ҳақидаги қисқача нотехник характерга оид хуроса. Лойиҳа бўйича амалга оширилган барча обьектлардан фойдаланишга, тегишли фаолиятнинг атроф муҳитга таъсирини баҳолаш (АМТБ) мақсадида тайёрланган.

Хўжалик фаолияти обьектлари сирасига Ўзбекистон Республикасининг Сурхондарё вилоятидаги табиий газ қайта ишлаб чиқарадиган, ташийдиган ва сотадиган, шунингдек, олтингугурт ишлаб чиқарадиган газни қайта ишлаш заводи ва инфратузилма обьектлари қурилиши киради.

Инвестиция Лойиҳаси икки босқичда амалга оширилиши назарда тутилган:

- I босқичда – "Мустақилликнинг 25 йиллиги" конини ўзлаштириш, йилига 5 млрд.куб.м қувват билан ишлайдиган Бойсун газни қайта ишлаш заводини қуриш (2018 – 2023 йиллар);

- II босқичда – Лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва молиялаштиришни ташкиллаштириш (2020 – 2023 йиллар) ҳамда 500 минг тонна олефин маҳсулотини ишлаб чиқарадиган газ-кимё комплексини қуриш (2023 – 2025 йиллар).

Лойиҳа 2017 йилнинг апрель ойидага Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан тузилган, Маҳсулот тақсимотига оид битимда белгиланган шартларга мувофиқ, халқаро инвесторлар консорциуми томонидан амалга оширилади.

Маҳсулот тақсимотига оид битимга (МТБ) мувофиқ, оператор сифатида «Surhan Gas ChemicalOperating Company» МЧЖ ХК фаолият олиб боради.

ЭПСПудратчи: EnterEngineeringPte.Ltd. (EEN). Батафсил лойиҳалаш бўйича субпудратчи «UzLITIENGINEERING» МЧЖ ХК.

Конни ишга тушириш ва қудуклардан (газни қазиб чиқариш) 2023 йилнинг июль ойига режа қилинган, шу билан бир вақтда Бойсун газни қайта ишлаш заводи (БГҚИЗ) ҳам ишга тушади.

АМТБ ишлари белгиланган тартибда, Жамоатчилик эшитуви ўтгунча амалга оширилган ва лойиҳани тўлиқ қамраб олади.

АМТБ ўтказилишидан мақсад – режа қилинаётган фаолият муҳитга сезиларли таъсир қиласидаги ўринларни топиш, салбий таъсирининг ҳамда шу билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий ва бошқа оқибатларнинг олдини олиш ва камайтириш борасида тадбирлар ишлаб чиқиш ва чоралар кўриш мақсадида унинг атроф-муҳит учун эҳтимол қилинаётган оқибати ва хавфини олдиндан айтиш ҳисобланади.

Оператор Лойиҳа амалга оширилишини 2017 йили, лойиҳанинг ДТИА ва АМТҲАЛ ишлаб чиқишдан бошлаган эди. ДЕЕнинг АМТҲАЛга берган 29.05.2018 йилдаги № 03-01/13-08-1109 сонли ижобий хulosасида “Ўзбекистон Республикасида экологик экспертиза ҳақидаги Низом талабларига мувофиқ “Ўзбекистон Мустақиллиги” инвестиция блокини амалга ошириш бўйича яқуний лойиҳа ечими қабул қилинганидан сўнг кўриб чиқиш мақсадида инвестиция лойиҳасидаги ҳар бир майдон учун алоҳида МТҲА тақдим этиш лозим бўлади”. Ҳозиргача Оператор Давлат экология комитетининг розилиги (ДЕЕ хulosаси) олинган 26 та АМТБ тадбирини ўтказди.

1-иловада, Ўзбекистон Республикаси Давлат экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш қўмитасининг ижобий хulosаси олинган ишлаб чиқилган АМТҲАЛ рўйхати берилган.

Нотехник хусусиятлар тўғрисидаги қисқача хulosада атроф-муҳитга ўтказган таъсирини баҳолашнинг энг муҳим жиҳатлари ҳақидаги маълумот берилган, бу масалада батафсилроқ маълумот олиш учун АМТБ материалларига мурожаат қилиш сўралади.

## 1. ҚОНУНЧИЛИК ТАЛАБЛАРИ ВА МАЪМУРИЙ ТАЛАБЛАР

АМТБ қўйидаги талаб ва тавсияларга мувофиқ бажарилади:

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ қабул қилинган меъёр, қоида ва стандартлар;
- Ўзбекистон Республикаси тасдиқлаган халқаро қонунлар.

АМТБ таркиби ва мазмуни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги "Атроф-мухиттга таъсирни баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида"ти 541-сонли Қарори талабларига мувофиқ тартибга солинади.

Атроф муҳитнинг ҳолати ва фуқароларнинг соғлиғига салбий таъсир қиласидаги корхоналар, давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун АМТБ материалларини тақдим этишлари шарт.

Экологик хавфсизлик соҳасидаги асосий меъёрий ҳужжатлар рўйхати, асос қилиб олинган ҳужжат ва адабиётлар рўйхатидаги берилган.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатлари билан, қўйидаги сайтда танишиш мумкин:<https://www.lex.uz>, <https://www.nrm.uz>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-боб 17-моддасига кўра, халқаро қонунчиликнинг умум қабул қилинган асослари ва меъёрлари, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари унинг ҳуқукий тизимининг таркибий қисми ҳисобланади.

“Ўзбекистон мустақиллиги” инвестиция блокида геологик қидирав ишлари ва “Мустақилликнинг 25 йиллиги” конида қўшимча қидирав ва ўрганиш ишларини олиб борган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Сурхондарё вилоятида газ-кимё комплексини қуриш” лойиҳаси бўйича МТБга кўра, ҳамда МТБнинг “Атроф муҳитни қўриқлаш ва саноат хавфсизлиги” ҳақидаги 24.1-моддасига асосан, «Surhan Gas ChemicalOperating Company» МЧЖ ХК нефть-газ операцияларини самарали, хавфсиз, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ва халқаро битим ва келишув талабларига мувофиқ, шунингдек Бошқарув Комитетининг 29.11.2017 йилги қарори билан тасдиқланган Саноат хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси ва атроф муҳитни қўриқлаш соҳасидаги сиёсатига мувофиқ олиб бориши керак.

## 2 ЛОЙИХА ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

### 2.1 Лойиҳанинг мақсади

“Ўзбекистон мустақиллиги” инвестиция блокида геологик қидирув ишлари ва “Мустақилликнинг 25 йиллиги” конида қўшимча қидирув ва ўрганиш ишларини олиб борган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Сурхондарё вилоятида газ-кимё комплексини қуриш” Лойиҳасининг асосий мақсади - М-25 конида газ ишлаб чиқариб Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ошиб бораётган энергияга бўлган эҳтиёжини қаноатлантириш ва газни қайта ишлаш заводида таркибида кўп миқдорда олтингугурт мавжуд бўлган газни (таркибида юқори даражадаги олтингугуртли газни), максимал даражада тайёрлаш ҳамда оддий олтингугурт олиш хисобланади.


### 2.2. Фаолияти ҳақида қисқача маълумот

Хозир бир нечта блокдан иборат бўлган қуйидаги Лойиҳа обьектларида лойиҳалаш ишлари олиб борилаяпти:


- М-25 конида фойдаланиладиган қудуқларни қуриш;
- кон ишлари олиб бориладиган қисмни иш жараёнига тайёрлаш;
- ташки инфратузилмани қуриш;
- Бойсун газни қайта ишлаш заводини қуриш;
- чиқинди кўмиладиган полигон қуриш.

Лойиҳалаштирилаётган обьектлар Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида, Термиз шаҳридан 100 км шимолий ғарбда ва Кофрун курғонидан 7,7 км жанубий шарқда жойлашган.

ГКИЗ ва инфратузилма обьектларининг дастлабки чизмаси пастдаги расмда берилган.



Лойиҳа барча қисмларининг қисқача тавсифи, шу жумладан, тўплаш тизими, ГКИЗ, ташки ва ёрдамчи инфратузилма обьектлари пастда берилган (2.2.1-расм).



2.2.1-расм - ГКИЗ ва ташқи инфратизилма объектлари

## 2.2.1 Газ тўплаш тизими

Газ тўплаш деганда, кон ишлари бажариладиган жойнинг ўзида, хом газни қудуқдан олиб жўнатишга тайёрлайдиган қурилмага узатиш тушунилади.

Газ тўплайдиган тизимга, қуйидагилар киради: лойиҳалаштирилаётган қудуқлар, қудуқли майдонлар, шлейф газ қувурлари трассалари ва коллектор газ қувурлари.

Қудуқдан олинган маҳсулотни тўплаш ва уни М-25 кони ҳудудидан ГҚИЗга кирадиган жойгача олиб бориш тизими 9 та қудуқли майдондан (38 та қудуқдан), умумий узунлиги 47,748 км бўлган газ қувурлари шлейфи ҳамда 30,4 км узунликдаги ўлчов коллекторларидан тузилган.


**2.2.1.1-жадвалда** М-25 конидаги қудуқларнинг қудуқли майдонларда тақсимланиши ҳакида умумий маълумот берилган.

Лойиҳага кўра, яна газ қувурлари шлейфлари бўйлаб назорат қилиш учун автомобил йўллари қуриш, ЭУЛ, ОТАЛ ўtkазиш кўзда тутилган; газ қувурлари шлейфлари ва БГҚИЗ коллекторларини электрокимёвий ҳимояси (ЕКХ) режалаштирилган.

**2.2.1.1-жадвал. Кондаги қудуқларнинг қудуқли майдонларда тақсимланиши**

Қудуқли майдон	Қудуқлар сони	Қудуқлар			Алоҳида жойлашган қудуқлар	
1	4	1-О	102	103	104	
2	6	2-ОЕ	202	203	204	8-О 802
3	4	3-ОЕ	302	303	304	
4	4	4-ОЕ	402	403	404	
5	4	5-ОЕ	502	503	504	
6	4	6-ОЕ	602	603	604	
7	4	7-О	702	703	704	
9	4	9-О	902	903	904	
10	4	10-О	1002	1003	1004	
Жаъми	38					

Ер қатламларидан газ қазиб олиш тизимининг принципиал чизмаси 2.2.1.1-расмда кўrsатилган. БГҚИЗ тўплаш тизимининг I тизмасининг тайёр бўлиши 13.09.2022 йилга мўлжалланган. Ер қатламидан газ қазиб олиш тизими қурилишини тугатиши 18.10.2024 йилга мўлжалланган.



2.2.1.1-расм. Ер қатламидан газ қазиб олиш тизимиning принципиал чизмаси

## 2.2.2. Бойсун газни қайта ишлаш заводи

Газни қайта ишлаш заводи (ГҚИЗ) алоҳида қурилмалари ва ишлаб чиқариш майдонлари ягона технологик жараёнга бирлашган мураккаб техник объект ҳисобланади. Технологик жараён ишончли бўлишини ошириш учун замонавий ГҚИЗ одатда бир нечта технологик линиядан иборат бўлади.

БГҚИЗ иккита ёнма-ён технологик линиядан иборат, ҳар битта линиянинг куввати йилига 2,5 млрд. м<sup>3</sup>ни ташкил этади. ГҚИЗ технологик линияларининг қурилиши, ҳар битта линиядаги барча муҳандислик тизимларини ҳам қўшгандা, ёнма-ён олиб борилади ва кетма-кет ишга туширилади. БГҚИЗ биринчи линиясини ишга тушириш 2023 йилнинг июль ойига режалаштирилган, иккинчиси эса 2023 йилнинг охирида ишга тушади. Кейинчалик учинчи линияни ҳам ишга тушириш имконияти қўриб чиқиляпти.

Ҳар битта линияга келаётган маҳсулотни ажратиш тизими, нордон моддаларни олиб ташлаш тизими (Шелл лицензияси бўйича), газни қуритиш ва олтингугурт олиш тизими ҳамда жўнатилаётган газни тозалаш тизими йўлга қўйилади (Шелл лицензияси бўйича),.

Бундан ташқари ГҚИЗ таркибига иккала технологик линия учун умумий бўлган қуйидаги қурилмалар ҳам киритилган:

- Олтингугуртни думалоқлаш ва қотириш қурилмаси,
- Ишлатилган сувни кимёвий оксидлаш қурилмаси (Шелл лицензияси бўйича),
- Қатламдаги сувни тозалайдиган қурилма,
- Умумий завод хўжалиги объектлари

БГҚИЗ учун "Мустақилликнинг 25 йиллиги" (М-25) конидан таркибида CO<sub>2</sub> ва H<sub>2</sub>C кўп тозаланмаган табиий газ қазиб олинади.

БГҚИЗнинг лойиҳадаги куввати йилига 5,0 млрд. м<sup>3</sup> хом табиий газ ишлаб чиқаришни ташкил қиласди.

БГҚИЗда ишлаб чиқариш режа қилинган асосий маҳсулот:

1. ЎзДСт 948 стандартига тўғри келадиган, йилига 4,4 млрд. м<sup>3</sup> гача миқдордаги қуйидаги хусусиятга эга товар гази олинади:

Хусусияти	Ўлч. бирл.	Охирги кўрсаткичи
Таркибида H <sub>2</sub> S	mg/n.m <sup>3</sup>	5
Таркибида CO <sub>2</sub>	% mol	1.5
Меркаптанлар миқдори	mg/n.m <sup>3</sup>	15
Босим 69 атм. изб.бўлганда сув бўйича шудрингланиш нуқтаси	°C	-7 (қишида) -2 (ёзда)
Иш босими 55,2 атм. изб.бўлганда УВ бўйича шудрингланиш нуқтаси	°C	-5 (қишида) -0 (ёзда)

Экспортга мўлжалланган газ қувури уланадиган нуқта ГҚИЗдан тахминан 10 км наридаги «Шўртсан-Шеробод» магистрал газ қувурида жойлашган.

2. Йилига 460 минг т миқдорда бўлакланган (ГОСТ 127.1-93) ва думалоқ шаклдаги (халқаро СУДИС стандарти бўйича) олтингугурт.

Қуйида ГҚИЗ асосий технологик қурилмаларининг қисқача кўрсаткичлари берилган.

Келаётган газни ажратадиган қурилма

Газ хом ашёсининг келаётган оқими келаётган газни ажратадиган қурилмага жўнатилади ва у ерда таркибида эриган CO<sub>2</sub> ва H<sub>2</sub>C мавжуд бўлган суюқ фаза (қатламдаги сув) билан газ фазаси бир-биридан ажратилади.

Таркибида эриган H<sub>2</sub>S ва CO<sub>2</sub> бўлган нордон қатлам сувни нордон сувни буғлатадиган колоннага (Қатлам сувни тозалайдиган тизимга) жўнатилади, тозаланмаган газ эса нордон газни олиб ташлайдиган қурилмага юборилади.

**Нордон газни олиб ташлайдиган қурилма**

Нордон газни олиб ташлаш қурилмасининг асосий вазифаси нордон газларни ( $H_2S$  ва  $CO_2$ ) камайтириб, маҳсулотни экспортга жўнатиладиган тозаланган газ сифатига қўйиладиган талаб даражасига етказиш ҳисобланади.

Қурилмадаги Shell компаниясининг гибрид шимиш технологиясида Sulfinol-M (50% МДЭА, 25% сульфолан ва 25% сув) ва Sulfinol-X (43% МДЭА, 7% пиперазин, 35% сув, 15% сулфолан) эритгичлари қўлланади.

Умуман олганда нордон газни олиб ташлаш технологиясини қўйидаги асосий технологик босқичларга ажратиш мумкин:

Газ тозаланишининг биринчи босқичида товар гази спецификациясига мувофиқ ва гибрид аминли эритгичлар билан (Sulfinol-M)  $H_2S$  ва меркаптанлар ( $H_2S$  5 mg/nm<sup>3</sup> ва RSH 15 mg/nm<sup>3</sup>) олиб ташланади ва бу жараёнда  $H_2S$  ва меркаптанлар Sulfinol-M SHimish қурилмасида ажратиб олинади. Sulfinol-M эритмаси билан тозалангандан сўнг газ таркибидаги  $CO_2$  миқдори 7-8 mol.% ни ташкил этади.

Газ тозаланишининг иккинчи босқичида товар гази спецификациясига қўйиладиган талабга мувофиқ газ таркибидаги карбонат ангидрид гази ва карбонилсульфид (COS) олиб ташланади (1,5% mol  $CO_2$  10mg/nm<sup>3</sup> COS) ва бу жараёнда қўлланган Sulfinol-X гибрид аминли эриткич Sulfinol-X шимиш қурилмасида  $CO_2$  ва COS ни ажратиб олади.

### Газ қуритиш қурилмаси

Водород сульфид, карбонат ангидрид гази ва меркаптанлар Сулфинол-М ва Сулфинол-X қурилмаларида олиб ташланади, шундан сўнг нордон газларни тозалайдиган қурилмадан чиқиша уларнинг тозаланган нам газдаги концентрацияси O'zDst 948 стандартларига мувофиқ товар газига қўйиладиган талабга тўғри келадиган бўлади. Бу стандартга мувофиқ сув бўйича ўздурилганиш нуқтаси қўйидагича бўлиши лозим:

- қишида, 70barizb. босимда ҳарорати 7°C манфий ,
- ёзда, 70barizb. босимда ҳарорати 2°C манфий.

Нордон газларни олиб ташлайдиган қурилмадан чиқиша нам газнинг таркиби қандайлигига қараб ҳозир лойиҳага кўра цеолит қуритиш (молекуляр элак) усулини қўллаш назарда тутилган.

### Олтингугурт олиш ва кетаётган газни тозалаш қурилмаси

Олтингугурт олиш қурилмасида нордон газлар олиб ташланадиган қурилмадан чиқаётган нордон газларнинг асосий оқими ва тез буғлаш идишларидан келаётган камроқ миқдордаги нордон газлар ишланади. Олтингугурт олиш қурилмасидаги ҳар битта линияга ўрнатилган Клаус қурилмасида реакцияни оксидловчи сифатида қўлланадиган паст босимли кислород реакцияга киришади.

Клаус жараёнидаги оксидлаш технологияси, бир нечта босқич қўлланганда, тахминан 98 фоизгача кимёвий мувозанат билан чекланган бўлади. Олинадиган олтингугуртнинг максимал даражада кутиладиган миқдори 98 фоизни ташкил қиласи, шунинг учун таркибида олтингугурт қолдиғи мавжуд бўлган газни қайта ишлайдиган яна битта қурилма ўрнатилади ва спецификацияга мувофиқ бу қурилмадан ўтган газ тутунида  $SO_2 \leq 2000 \text{ mg/Nm}^3$  бўлади

Олтингугурт оладиган қурилма қўйидаги блоклардан тузилган:

- 2 та ёнма-ён ўрнатилган Клаус қурилмаси термик реактори, иккита Клаус каталик реактори ва олтингугурт конденсаторидан иборат бўлади;
- 1 та SCOT (ShellClausOffgasTreatment) қурилмаси қўйидагилардан тузилган;
- SCOT қурилмасидан, бу қурилмада Клаус қурилмасида тозалангандан кейин қолдиқ газ таркибида қолган олтингугурт бирикмалари  $H_2S$ га айланади,
- совутиш бўлмаси, бу ерда реактордан чиқиб келаётган газ совутилади, сув эса конденсатга айланади,

– шимиш бўлмаси, бу ерда  $H_2S$  Сулфинол-М эритмасида ажратиб шимилади ва Сулфинол-М регенерация шимиш мосламасига жўнатилади, сўнг яна қайтиб Клаус қурилмасига ҳайдалади.

Қолдиқ газ иккита инсинератор блокидан иборат бўлган ва қолдиқ газ билан бошқа қурилмалардан чиқсан газни ёқадиган инсинератор қурилмасига жўнатилади.

Гази олинган суюқ олтингугурт, олтингугурт сақланадиган идишга жўнатилади. Олтингугурт насоси гази олинган суюқ олтингугуртни КҚИЗнинг лойиҳадаги чегарасигача ҳайдайди, у ердан эса олтингугурт думалоқланадиган ва қотириладиган қурилмага жўнатилади.

### **Олтингугуртни думалоқлаш ва қотириш қурилмаси**

Олтингугуртни қотирадиган қурилма суюқ олтингугуртни икки хил қаттиқ олтингугуртга - майда думалоқ (сотиладиган) олтингугуртга ва қаттиқ (сақланадиган) олтингугурт бўлагига айлантиради.

Бу қурилма ГҚИЗга туташган алоҳида майдончада туради.

### **Ишлатилган сувни кимёвий оксидлаш қурилмаси.**

$H_2S$ ни оксидлаш жараёни водород пероксида ёки кальций гипохлорит каби кимёвий моддалар билан совутадиган колоннадан келаётган сувни тозалашга ишлатилади. Бу усул сув таркибидағи 5 ppm  $H_2S$  микдорини талаб этилган спецификация даражасига етказиш ва яна ГҚИЗда ишлатиш имконини беради.

### **Қатлам сувини тозалайдиган қурилма**

Сув таркибida  $H_2S$ ва бошқа эриган газлар (масалан,  $CO_2$ ) кўпайиб кетмаслиги учун қатлам сувини тозалайдиган қурилмада, кириш сепараторидан келаётган қатлам суви билан нордон газни кетказиб, олтингугурт оладиган қурилмаларнинг кириш сепараторларидан келаётган нордон сув ишланади. Бу эриган газлар, хусусан, нордон сувдаги  $CO_2$ ,  $H_2S$  газларининг кўпи буғ берадиган колонна ребойлерига келадиган паст босимли буғ билан ҳайдаб тозаланади.

Буглайдиган колонна остидаги сув тозалаш қурилмаларига жўнатилади, у ердан сув ютиладиган горизонтга ҳайдалади, ажралган нордон газ эса ёндириш учун машъалали қурилмага юборилади.

### **Умумий завод тизими**

Куйида ГҚИЗ асосий технологик тизимларининг меъёрида ишлашини таъминлайдиган умумий завод хўжалиги тизимларининг рўйхати берилган:

- ГҚИЗ ёқилғи газ тизими;
- Машъала хўжалиги;
- Техник ва ҳаво НЎА қурилмаси;
- Азот қабул қиласидиган ва тақсимлайдиган қурилма;
- Дастрлаб хом сувни тайёрлайдиган ва тақсимлайдиган қурилма;
- Маъдансиз сув тайёрлайдиган қурилма;
- Ичимлик суви тайёрлайдиган қурилма;
- Техник сув таъминоти тизими;
- Ёнгин ўчириш сув тизими;
- Сув совутадиган тизим;
- Буғ билан таъминлаш тизими (Буғ чиқарадиган ва тақсимлайдиган тизим; Буғ конденсатини йиғадиган ва тозалайдиган тизим; Қозон сувини тайёрлайдиган тизим);
- Иссиқлик билан таъминлаш тизими;
- Оқова сувни йиғиш ва тозалаш тизими (Ишлаб чиқариш ва ёмғир сувини йиғиш ва тозалаш тизими, Маиший хўжалик оқова сувини йиғиш ва тозалаш тизими);
- ОВКВ;
- Электр энергиясини ҳосил қилиш ва тақсимлаш тизими;

- Авария вақтида электр билан таъминлаш тизими;
- Алоқа тизими;
- Автоматлашириш (АСУТ) ва НЎАваА тизими;
- Автоматлашган ёнғинни ўчириш, ёнғин чиққанини билиш ва ҳаводаги газ миқдорини назорат қилиш тизими;
- Технологик видео кузатиш тизими;
- Магистрал оптик толали алоқа линияси (ОТАЛ).

### ГҚИЗ бино ва иншоотлари

Умумий завод хўжалиги обьектларидан ташқари ГҚИЗ таркибига унинг ишлаши ва хавфсизлигини таъминлайдиган қўйидаги бинолар киради:

- Марказий операторлик биноси (МСБ);
- Маъмурий хўжалик мажмуи, ошхона;
- ГҚИЗ трансформаторли подстанция бинолари;
- Узоқда жойлашган НЎА биноси (РИБ);
- Лаборатория биноси;
- Химикат ва катализаторлар сақланадиган омборлар;
- Механик таъмирлаш цехи биноси;
- КПП ва корхона атрофини қўриқлаш мажмуи (КИТСО).

### 2.2.3. Ташқи инфратузилма

#### Товар газ ўтадиган қувур

Узунлиги тахминан 10 км бўлган товар газ ўтадиган қувур трассаси бошланиши. БГҚИЗдан бошланади ва трасса охири мавжуд "Шўртан-Шеробод" магистрал газ қувурига уланиш жойида тугайди. Линия қисмига газ ўтадиган қувур, УЗОУ, УПОУ, тижорат хисоблаш бўғини ва кран бўғинлари киради.

Газ қувури трассаси Бойсун туманининг Даганажам ва Хўжабулок қишлоқларидан ўтади. Лалми ерларда асосан деҳқончилик қилинади ва пода боқиласди.

Шимол томонга кетган трасса тепаликлар, сойлар, автомобиль йўллари ва темир йўллардан ўтади. Ўтиш тури меъёрий талабларга мувофиқ бажарилади.

Лойиҳага кўра газ ўтадиган қувур, назорат қилишга мўлжалланган автомобиль йўли, ЭУЛ ва қувур ёнидан тортиладиган ОТАЛ ЭКХ қилинади.

Товар газ ўтадиган қувур қурилиши тугайдиган сана – 04.03.2022 йил.


#### Ташқи сув таъминоти

БГҚИЗни хом сув билан таъминлаш учун иккита ташқи сув манбаи танланган - "Қумқўрғон" сув омбори ва "Хожимайхона" булоғи.

"Хожимайхона" булоғи Бойсун туман марказининг шимолида жойлашган, суви кўп (сарфи 470 л/с), Бойсун туманидаги аҳоли пунктларини сув билан таъминлашда фойдаланилади. 2003 йил ЎзР ГКЗ булоқ суви олинадиган ер ости суви заҳираси бир кечакундузда 41 минг м3 эканини, 25 йил муддатга тасдиқлаган.

Лойиҳага кўра Бойсун ГҚИЗни сув билан таъминлайдиган асосий манба қилиб "Хожимайхона" булоғидан сув оладиган мавжуд "Хожимайхона-Бойсун" ариғи қабул қилинган, бунга яна мавжуд "Қўшшотут" насос станцияси ҳам қўшилади.

Лойиҳаси тузилаётган ГҚИЗга узунлиги 29 км бўлган "ГҚИЗ насос станцияси" ариғига ўрнатилган сув олиш қурилмаларидан келади (2.2.3.1-расм).



**2.2.3.1-расм. Сув келадиган ариқ чизмаси**

"ГҚИЗ насос станцияси" ариғига 250 кишига мўлжалланган вахта шахарчаси, 106 оиласга мўлжалланган турар жой шаҳарча, бирламчи газни тозалайдиган қурилма (БГТК), божхона терминали, вақтингчалик бино ва иншоотлар (ВБвАИ) уланади. Бундан ташкари ариққа "Кўлқамиш" ва "Хўжабўлғон" қишлоқ аҳоли пунктлари ҳам уланади.

Ариққа уланадиган нуқталарнинг ҳаммасига сувни очиб-ёпадиган мосламалар кўйилади, сув ҳисобини оладиган асбоблар ўрнатилади.

Ариқ қурилишини тугатиш 27.12.2021 йилга режалаштирилган.

#### **БГҚИЗга келадиган автомобиль йўли**

Заводга келадиган 10,0 километрлик автомобиль йўли БГҚИЗни божхона омборлари ва вахта шаҳарчаси билан улайди. Йўл вахта шаҳарчаси ёнидан бошланади ва БГҚИЗ олдида тутайди. Йўл яқинида Кофрун курғони, Бойсун шаҳри, Даشتегаз шаҳарчаси, Туман, Карган шаҳарчалари ва бошқа аҳоли яшайдиган жойлар бор

Заводга борадиган йўл икки томонлама ҳаракат қилиш учун мўлжалланган Ҳаракат тезлиги – 40-80 км/соат. Йўл кийимининг тури - капитал. Қоплама тури - бетон. Автомобиль йўли тасмаси ва қопламаси устига тушадиган ёғин суви четга олиниши кўзда тутилган, экологик мақсадда (майда жониворлар ўтишини йўлаб) металл ва темир бетон қувурлардан қурилмалар ясалади.

Йўлнинг Тошкўприксойдан ўтадиган қисмида, ПК 75+75 да, лойиҳага кўра автомобиль кўприги қурилади (узунлиги – 48,19 м / кенглиги– 10,7 м / баландлиги– 3,7 м /

4 дона тиргакли). Йўл ҳаракат қисмининг кенглиги 2x4,0 м, йўлдан тўсиқ билан ажратиб кўйилган одамлар юрадиган йўлакнинг кенглиги 0,75 м.

#### **Божхона терминали - Омборхона хўжалиги**

Бойсун ГҚИЗ қуриш босқичида лойиҳага кўра божхона терминали ҳам қурилади - Лойиҳадаги барча обьектларни қуриш учун зарур бўлган омбор бинолари ва ишлаб чиқариш цехлари жойлашадиган вақтингчалик ишлаб чиқариш зонаси.

Фойдаланиладиган иншоотлардаги технологик жараёнларни таъминлаш учун божхона терминалида юклаш ва тушириш ишларига хизмат қиладиган муҳандислик тармоғи - депо ва контейнерлар туродиган майдон қурилиши кўзда тутилган. Майдон ичидаги йўллар халқа

кўринишида қурилади ва автомашинадар билан ёнгин техникаси барча бино ва иншоотларга боришига имкон беради.

### Ишлаб чиқариш чиқиндилари полигони

Лойиҳа объектлари фойдаланишга тушгандан сўнг пайдо бўладиган чиқиндининг табиатга зарар етказишининг олдини олиш ва бундай зарарни камайтириш учун ишлаб чиқариш чиқиндилари тўпланадиган полигон (ИЧЧП) куриш режалаштирилган.

ИЧЧП умумий саҳни 10,7 га. Узлуксиз ишлайди. Фойдаланиш муддати - 25 йил. Ер ости ва ер усти сувлари ифлосланишини кузатиб ва назорат қилиб туриш учун назорат ва кузатиш қудуқлари тармоғи қурилади.

ИЧЧП барча зарур ресурслар билан таъминланади: электр таъминоти (КТПС, ЛЕП-10 кВ, ВЛ-6 кВ, майдон ичидағи электр тармоғи 0,4 кВ), сув таъминоти (сув ташиб олиб келиниши мумкин), иситиш/совутиш; печка учун электр ёки дизель ёқилғиси таъминоти, келадиган автомобиль йўли.

ИЧЧПда майший ва маъмурий блоклар (блок-бокс) қурилади; техника турадиган бостирма бўлади, тупроқ, материаллар, оралиқ чиқинди қабул қилинадиган ва сакланадиган, кўмиладиган майдонлар ажратилади; заҳарли чиқинди заарсизлантирадиган завод, идишга солинган чиқинди турадиган, бостирма остида жойлашган очиқ омбор бўлади; химикатлар ва реактивлар омбори қурилади; ёмғир суви, эриган қор суви ва дренаж суви йиғилиб, буғланадиган ҳовуз бўлади; автомобиль ва контейнерлар ювиладиган майдон, автомашина ва контейнерлар ювилган сув тушадиган ўра, ёнгин ўчиришга ишлатиладиган сув турадиган резервуарлар, назорат қудуқлари ва бошқа объектлар бўлади.

**Ишлаб чиқариш чиқиндилари полигони - табиатни қўриқлайдиган объект,** заҳарли ишлаб чиқариш чиқиндиларини марказий усулда йиғиш, заарсизлантириш ва қўмишга мўлжалланган, корхона фаолияти давомида пайдо бўладиган чиқиндини тўлиқ утилизация қилиш имконини беради.

ИЧЧПни куриш 08.11.2022 йилга режалаштирилган.

### **M-25 кони ва ГҚИЗдаги йўлдош қатлам суви ва оқова сувни хайдаш.**

Лойиҳага кўра "Мустақилликнинг 25 йиллиги" кони ва ГҚИЗдаги 2020 м3/кун микдордаги йўлдош қатлам суви ва оқова сув қудуқлардан чуқурда жойлашган қабул қиласидаги горизонтга жўнатилади.

Кон ҳудудидаги оқова сув қўшимча объектлар ва ГҚИЗ мажмуасининг ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида, шунингдек, ишчи ходимларнинг хўжалик майший эҳтиёжи натижасида ҳосил бўлади.

Йўлдош қатлам суви газга қўшилиб қудуқдан чиқаётган суюқ фазадаги маҳсулотнинг сув қисми ҳисобланади ва газни тайёрлаш жараёнида ундан ажратиб олинади.

Йўлдош сув таркибида жуда кўп табиий ва қўшилган заҳарли моддалар бўлгани учун экология томондан қараганда уни ер юзасига (жой рельефига) тўкиш ёки очиқ сув ҳавзаларига қуиши мумкин бўладиган даражадаги концентрацияга етказиб тозалаш қийин ва самарасиз ҳисобланади.

Йўлдош қатлам суви ва оқова сувни ютадиган горизонтга ҳайдаш **экологик ва табиатни қўриқлайдиган лойиҳа** ҳисобланади, ер юзасида жойлашган табиат объектларига зарарли жиҳатдан таъсир қилмаслик нуқтаи назаридан тўғри ҳисобланади.

Лойиҳа кетма-кет бир неча босқичда бажарилади:

1-босқич. M-25 конининг геологик, геофизик, гидрогеологик ва техник хусусиятлари ҳақидаги материалларни ўрганиш ҳамда "Мустақилликнинг 25 йиллиги" конидаги юқори бўр соҳасининг полеоген ва сенон қатламларида сувни ҳайдовчи қудуқлар №1(пг) куриб, оқова сувни шу қудуқларга тўкиш имкониятини ўрганиш.

2-босқич. Геологик ва гидродинамик моделлар куриш Лойиҳасини тузиш.

3-босқич. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрий хужжатларига мувофиқ лойиҳани давлат органларида тасдиқлатиш.

Лойиҳада бундан ташқари оқова сувни ер ости горизонтига тўқмай, шу мақсадда маҳсус қуриладиган сув буғланадиган очик ҳовузларга ҳам тўкиш назарда тутилган. Ҳал қилувчи қарор лойиҳа тузишнинг кейинги босқичида қабул қилинади.

#### **2.2.4. Яшаш ва маъмурий хўжалик зонаси**

##### **2.2.4.1. 4500 кишига мўлжалланган вақтингчалик зонанинг бино ва иншоотлари (ВБвАИ)**

4500 кишига мўлжалланган яшаш зонасидаги ВБвАИ (1-босқичи 2000 кишига мўлжалланади) - қурилиш даврида ишчи ва хизматчиларнинг яшаси учун қулайлик яратиш мақсадида қурилган, яшаш, маданий-маиший, санитария ва хўжалик биноси ва иншоотлари мажмуасидан иборат бўлади.

ВБвАИ майдони ГКИЗ саноат майдонлари қурилиши учун оптимал даражада қулай ерда жойлашган ва бир нечта асосий зона бўлишини назарда тутади: 1. ётоқхона жойлашган яшаш зонаси; 2. қуйидаги обьектлар жойлашадиган муҳандислик таъминот зонаси: дизель электростанцияси, трансформаторли подстанция, хўжалик мақсадидаги ичимлик суви турадиган резервуарлар, насос хонаси; 3. ошхона, кирхона жойлашган жамоат хонаси; 4. спорт- соғломлаштириш маркази ва футбол майдони мавжуд бўлган қурувчилар дам олиш зонаси; 5. ахлат йигиладиган майдон бўладиган чиқинди тўпланадиган зона. 6. транспорт инфратузилмаси зонаси: ички йўллар, автомобиль қўйиш жойлари; 7. тозалаш иншоотлари жойлашадиган зона.

ВБвАИларга лойиҳадаги йўл билан борилади.

ВБвАИ шимолий шарқида тозалаш қурилмалари ўрнатиладиган, майший хўжалик оқова сувини буғлатадиган ҳовуз ҳамда фалокат вақтида ишлатиладиган лойқа тўпланадиган майдон бўлади. Тозалаш қурилмаларига борадиган, кенглиги 4,5 м бўлган йўл лойиҳадаги йўлга туташади.

#### **2.2.4.2 250 кишига мўлжалланган вахта шаҳарчаси**

250 кишига мўлжалланган вахта шаҳарчаси Бойсун шаҳридан 15 км жанубда жойлашган (расм). Бу ерда ишчи ва хизматчилар ишдан бўш вақтларида имкони борича қулай яшашлари учун зарур бўладиган яшаш ва майший бинолар ҳамда иморатлар мажмуасини куриш тутилган.



2.2.4 -расм. 250 кишилик вахта шаҳарчасининг жойлашиш чизмаси

Бу ерда қўйидагилар бўлиши кўзда тутилган: хизмат ва дам олиш обьектлари ишлайдиган яшаш зонаси: маъмурӣ зона; омбор зонаси; ишлаб чиқариш ва ташқи транспорт зонаси.

Вахта шаҳарчасининг шарқ томонида, ундан 600 м наридаги панжара билан ўралган алоҳида жойда хўжалик ва майший оқова сувини тозалаш қурилмалари ўрнатилган.

Вахта шаҳарчаси қурилишини тугатиш 24.12.2022 йилга режалаштирилган.

#### **2.2.4.3. 106 нафар оиласа мўлжалланган яшаш шаҳарчаси.**

106 нафар оиласа мўлжалланган яшаш шаҳарчаси корхонага бориладиган автомобиль йўли ёқасида, ГҚИЗга кетаверишда Вахта шаҳарчасидан 2 км нарида, Кафрун қишлоғи четида жойлашган.

Шаҳарчада Бойсун ГҚИЗ ходимлари оиласлари ҳаётини таъминлаш учун зарур бўладиган барча зарур уй ва майший бинолар бўлиши кўзда тутилган, шу жумладан, маҳаллий қозонхона, газ тақсимлаш пункти, трансформаторли подстанция ҳамда резервуар кўринишида қурилган тозалаш қурилмалари бўлади.

Майдон ичидаги йўллар, халқа кўринишида қурилади ва автомашиналар билан ёнғин техникиаси барча бино ва иншоотларга боришига имкон беради. Биноларнинг ҳаммасига пиёда юриб бориш мумкин, ҳамда пиёдалар юриши учун қулай ва хавфсиз қилиб бир-бирига боғланган.

Яшаш шаҳарчаси қурилишини тугатиш 31.07.2023 йилга режалаштирилган.

## ЛОЙИХА АМАЛГА ОШИРИЛИШИННИНГ МУҚОБИЛ ТУРЛАРИ ТАҲЛИЛИ

**Муқобил таклифлардан биттаси - режа қилинаётган фаолият турли майдонларда амалга оширилишини назарда тутади.**

Лойихадаги майдонларнинг жойлашиши технологик ва экологик томондан мақсадга мувофиқ эканига қараб танланган, яъни конлар орасидаги келадиган коллекторлар, ЭУЛ, автомобиль йўллари, темир йўл шаҳобчалари, сув келадиган қувурлар қурилишига кетадиган харажатни камайтириш мақсад қилинган.

Жой танланганда ўша ернинг текис бўлиши, ҳавога чиқадиган тутун атмосферада яхшироқ тарқалиши, шамол айланиши, аҳоли ва экологияга ҳавфни камайтириш учун аҳоли яшайдиган жойлардан имкони борича узоқроқда бўлиши хисобга олинган.

Аввалига ГҚИЗ ва ГКК жойлашишининг 8 хил усули кўриб чиқилган. Охирида кўриб чиқиш учун жойлаштиришнинг 2 та варианти № 7 ва № 8 вариантлар олинган (3.1-расм).

Майдонни № 7 вариантда кўрсатилгандек жойлаштириш учун асос:


- ГҚИЗ ва ГКК учун таклиф этилган майдон газ ўтадиган қувур яқинида жойлашган, темир йўлга яқин, аҳоли яшайдиган жойлар ва сув объектлари учун белгиланган қўриқлаш ва санитария зонаси талабларига жавоб беради;
- бор инфратузилмадан фойдаланиш имконини беради;
- ГҚИЗ фойдаланишга топширилиб, газ ўтадиган қувур "Шўртан-Шеробод" газ қувурига уланганидан сўнг истеъмолчиларга ва экспортга газ ва думалоқ олтингугурт етказиб беришни бошлайди;
- таркибида водород сульфиди бўлган маҳсулот катта босим билан жўнатилгани учун, аҳоли ва экологияга ҳавф кўпаяди.

Майдонни № 8 вариантда кўрсатилгандек жойлаштириш учун асос:

- ГҚИЗ ва ГКК учун таклиф этилган майдон темир йўлга яқин жойлашган, аҳоли яшайдиган жойлар ва сув объектлари учун белгиланган қўриқлаш ва санитария талабларига жавоб беради;
- таркибида водород сульфиди бўлган маҳсулот катта босим билан жўнатилиши билан боғлиқ аҳоли ва экология учун ҳавф камаяди;
- бор инфратузилмадан кўпроқ фойдаланиш имконини беради;
- зарурат бўлганда босқичма-босқич ёки бирданига қўшимча объектларни (кудуқлар, йиғиши тизими, ГҚИЗ, ГКК) куриш мумкин;
- ГҚИЗ фойдаланишга топширилиб газ ўтадиган қувур "Шўртан-Шеробод" газ қувурига уланганидан сўнг, газ билан думалоқ олтингугурт истеъмолчиларга, ҳамда қайта ишлаш учун Шўртан ГКХга етказиб берилади, экспортга жўнатилади.

Иккала вариант яна ҳам батафсил таҳлил қилинганидан сўнг ГҚИЗни № 8 майдонда, ГККни эса № 7 майдонда куриш ҳакида қарор қабул қилинди.

№ 8 Лойиханинг қўлланиши аҳоли ва экология учун ҳавфни камайтиради, лойихани технологик ва иқтисодий жиҳатдан оптималь қиласи (узунлиги 20 км бўлган таркибида водород сульфид бўлган газни ўтказадиган 2 та қувур йўли ётқизилиши шарт эмас, дастлабки газ тайёрлаш қурилмаси талаб қилинмайди).



3.1-расм. ГКИЗ майдонларининг жойлашиш варианлари

Бошқа муқобил таклифлар - технологик ечим варианtlари.

Ишлаб чиқариш жараёнининг муқобил турлари ҳар битта алоҳида ҳолатда кўриб чиқилади ҳамда мақсадга мувофиқлик, тежамкорлик ва хавфсизлик томондан қараб танланади.

БГҚИЗ учун олдин хом сувни Шеробод дарёсидан ва яна иккита ташқи манбадан - "Кумкўрғон" сув омбори ва "Хожимайхона" булоғидан олиш кўриб чиқилган.

"Хожимайхона" булоғида сув кўпроқ (сув сарфи 470 л/с), Бойсун туманидаги бир қанча аҳоли яшайдиган жойларни сув билан таъминлади.

БГҚИЗга сув асосан "Хожимайхона" булоғидан сув оладиган "Хожимайхона-Бойсун" ариғидан келади. Лойиҳаси тузилаётган БГҚИЗ мажмуасига сув узунлиги 29 км бўлган "Насос станцияси-ГҚИЗ" ариғидан олинади.

Муқобил усуллардан яна биттаси дастлабки тайёрлангандан сўнг оқова сув ташланадиган жой ҳисобланади. Лойиҳага кўра оқова сув ютадиган горизонтга тўкилади. Бунинг муқобил вариантига кўра дастлаб тозалангандан сўнг ёки буғлагич ҳовузлар курилгандан кейин оқова сув Хонгаронсойга тўкилади.

Лойиҳа назарда тутадиган, дастлабки тозалангандан сўнг кондан чиққан оқова сувни ер қатламига тўкиш усули табиатни қўриқлаш борасидаги энг муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади.

Махсулот олганда углеводородли хом ашёга қўшилиб чиқиб келадиган қатлам сувни яна ўша горизонтнинг ўзига қайтарилади. Компенсация фақат ишлаб чиқаришдан келадиган оқова сув ҳажмига тўланади ва бундай сув чиқинди жойлаштириш, деб таснифланади.

Кондан чиққан оқова сув объектига тўкилган тақдирда компенсация тўлови тўкилган сув ҳажми ва унинг таркибиغا қараб тўланади. Шунинг учун кондан чиққан сувни яна қайтариб жўнатиш ёки буғлагич ҳовузларга тўкиш варианти яхшироқ ҳисобланади.

Лойиҳадаги муқобил варианtlарнинг таҳлили режа қилинган фаолиятнинг асосли ва мақсадга мувофиқ эканини, атроф муҳитни асраш борасидаги тадбирлар бажарилган тақдирдагина уларни амалга ошириш мумкинлигини кўрсатаяпти. Белгиланган фаолиятдан воз кечиш ёки уни бошқа жойга кўчиришга асос йўқ.

## 4. ОБЪЕКТ ЖОЙЛАШГАН ЕРДАГИ АТРОФ МУХИТ ҲОЛАТИ

Юқорида айтилганидек, Оператор худуд Экологик аудитини ўтказди ва тегишли худудда нефть-газ операциялари (НГО) бошлангандан буён, доимий асосда Экологик мониторинг олиб боради. АМТБдаги атроф муҳитнинг ҳозирги ҳолати ўтказилган Экологик аудит маълумотига ҳам асосланган.

### 4.1. Физик-географик ҳолат, гидрография ва муҳандислик-геологик шароити

Маъмурий жиҳатдан "Ўзбекистон Мустақиллиги" Инвестиция блоки Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилоятининг Бойсун ва Шеробод туманларида жойлашган.

Лойиҳа объектлари Бойсун шаҳар туман марказининг жанубий шарқ томонида, ундан 18-20 км нарида Кумқўргон шахридан 45 км узоқликда жойлашган.

БГҚИЗ қуриладиган майдон Хонгаронсой дарёси ўзани ўтган жойнинг ўнг томонидаги адирда, Кофрун шаҳарчасидан 6,1 км жанубий шарқда ва Ботмабулоқ шаҳарчасидан 5,3 км шарқда жойлашган. БГҚИЗ қуриладиган майдоннинг шимолий шарқида, ундан 11 км нарида Даштигаз шаҳарчаси жойлашган, Пулҳаким темир йўл станциясидан 6,6 км нарида, шимолий шарқда жойлашган.

Геоморфология жиҳатдан бу худуд Сурхондарё вилояти тоғлари ўртасидаги текислик ерга тўғри келади (Бойсунтоғнинг жанубида). Рельефда туб қияликлар билан ажралиб туради ва тоғ олдидаги текислик унга тўлқинсимон бўлиб туташади.

Гидрографик тармоқда майда, номсиз сойлар мавжуд. Туманнинг асосий сув артерияси Шеробод дарёси (Мачайдарё) ҳисобланади, шимолдан жанубга оқадиган бу дарёning суви Амударёга қуйилади. Ер ости сувлари ер юзасидан 20,0 метр чуқурликкача очилмаган. Аҳоли яшайдиган жойларга ҳозирги кунда булоқ ва юзадаги ҳавзалардан қувурда сув олиб келинади.

Экологик аудит қуидагиларни кўрсатди:

- Шеробод дарёсининг суви азотли ўғитлар ишлатилганда ҳосил бўладиган моддалар ва оғир металлар билан ифлосланмаган. Дарёning суви техник сув ҳисобланади, лекин ўзаннинг юқори ва ўрта қисмида яшайдиган аҳоли бошқа ичимлик сув манбаи бўлмагани учун ичиш учун дарё сувидан фойдаланади.

- "Ўзбекистон Мустақиллиги" Инвестиция блокининг ўрганилган станцияларидағи таҳлил қилинган сувдаги нефть маҳсулоти билан ифлосланиш даражаси фонли ҳисобланади ва 0,01 мг/дм<sup>3</sup> дан 0,015 мг/дм<sup>3</sup> гачани ташкил этади;

- ер юзасида оқадиган сув чўкма оғир металлар ва токсик моддалар билан ифлосланмаган.

M-25 кони – мураккаб тузилган газ кони ҳисобланади, газга тўйинган зонанинг тахминий чуқурлиги 3100-3600 метрни ташкил этади.

Майдонларнинг геологик тузилишида кеч неоген (N2) ва юқори чоракли чўқмалар (Qii) мавжуд. Кеч неоген даври (плисен) чўқмалари ярим қояли тупроқда қўпроқ: лойда, перчаникда ва элевролитларда (лойсимон аргиллитларда) учрайди ва қоясимонлар синфига киради, турига кўра чўкма, синфига кўра эса силикатли. Юқори чоракли чўқмалар лессо кўринишидаги супесларда, провиал гензисли қумда бўлади ва дисперслар синфига киради, ички синфи - боғламалар (кум), тури - чўкма, ички тури - алювилли, синфи - маъданли.

Ернинг ўрганилган қисмида тез эрийдиган тузлар борлиги текширилганда тупроқда туз йўқ ва ўртacha шўр ўринлар борлиги аниқланди.

Литологик тузилиши, физик, мустаҳкамлик ва деформацион хусусияти томондан текширилганда ўрганилган 20,0 метр чуқурликда беш хил муҳандислик геологик элементлар (МГЕ) мавжудлиги маълум бўлди, шунингдек ўсимлик ўсган қатlam тупроқ билан қопланган ва тўкилувчан тупроқдан иборат:

- МГЕ-1 - суглинка ва супес; МГЕ-2 - чангсимон қум; МГЕ-3 - лой; МГЕ-4 - қумлок; МГЕ-5 - алевролитлар.

7 балли зонада ҳисобланадиган сейсмиклик - 8 балл ва 8 балли зонада - 9 балл.

Тавсия қилинадиган муҳандислик тадбирлари: зилзилага қарши, коррозияга қарши, чўкишга қарши (супес ва суглинок қалин бўлган майдонларда).

#### 4.2 Иқлими ва метеорологик шароити

Корхона ишлайдиган жойга яқин ерда Бойсун метеостанцияси мавжуд.

Ёзи иссиқ, қиши совуқ. Энг иссиқ ойлар - июнь, июль, энг совуқ ойлар эса декабрь, январь. Ҳавонинг ўртacha йиллик ҳарорати 13,8°C. Энг баланд ҳарорат июль ойига тўғри келади (абсолют максимум 31,8°C). Энг паст ҳарорат февраль ойида бўлади (абсолют минимум – 15,4°C).

Ҳавонинг ўртacha ойлик нисбий намлиги энг совуқ ойда – 65% (январь), энг иссиқ ойда эса – 41% (июнь). Ҳавонинг ўртacha йиллик нисбий намлиги - 40%. Ёғингарчилик йилнинг совуқ вақтида, октябрдан май ойигача кўпроқ бўлади. Ўртacha бир ойлик энг кўп ёғин (63,9 мм) май ойига тўғри келади.

Фактик маълумотга кўра Бойсунда тупроқ ноябрь оидан март ойигача музлайди. Йилнинг совуқ вақтида тупроқ музлайдиган чуқурлик 1,9 дан 2,2 см гача етади. Тупроқ кўпи билан 5 см гача музлайди.

Йил бўйи бу ерда жануби-шарқий ва шимоли-ғарбий шамол эсиб туради. Бу шамолларнинг қайтиб эсиши, тегишли тартибда, барча ўйналишда 22-32 ва 41-50 фоизни ташкил этади. Бойсунда кўпинча жанубий ва ғарбий шамол эсади (7-9%).

Доимий экологик мониторинг олиб бориш доирасида Оператор 2018 йилдан 2020 йилгача атмосфера ҳавосининг ҳолатини кузатиб турган, шу жумладан, метеорологик кўрсаткичлар, яъни ҳаво ҳарорати, шамол тезлиги, ҳаво босимини ўлчаган, шамол ўйналишини ўрганган, кузатиш станцияларида атмосфера ҳавосидан намуна олиб, ҳаво таркибида углерод оксиди, азот диоксиди, углеводородлар (умумий), олтингугурт диоксиди, водород сульфиди, ноорганик чанг борлигини текширган. Бу моддалар НГОнинг атмосфера ҳавосига таъсирини белгилайди.

2018-2020 йилларда олинган атмосфера ҳавосини текшириш натижасини "Мустақилликнинг 25 йиллиги" кони ҳудудида атмосфера ҳавоси меъёрлари билан солишириш қўйидагиларни кўрсатди:

1. Умуман олганда "Мустақилликнинг 25 йиллиги" кони ҳудудида атмосфера ҳавосининг ноорганик чанг, углерод оксиди, азот диоксиди, углеводородлар ва олтингугурт сульфиди билан ифлосланиш даражаси РЕКЧдан ва шу ҳудуддаги фон даражасидан ошиб кетмаган. Атмосфера ҳавосига ортиқча антропоген оғирлик тушмаган.

2. Метеорологик шароит (шамол тезлиги, ҳаво ҳарорати) атмосфера ҳавоси таркибидаги фон ифлосланиш концентрациясига таъсир қилади. Йил мавсумлари, ҳаво массаси алмашиб туриши ва бир кунлик ҳароратнинг тез ўзгариши, баъзан эса ёғин ёғиши билан ажralиб турган. Бу омиллар ҳавони ифлослантирадиган моддалар тарқалиб кетишига таъсир қилган, яъни ифлосланиш даражаси камроқ бўлишига олиб келган.

3. Бу борадаги паст кўрсатгич АИИ<5 ва СИ-1 ни ташкил этганда "Мустақилликнинг 25 йиллиги" кони ҳудудида атмосфера ифлосланишининг умумий индекси (АИИ) ва стандарт индекси (СИ) 1 дан ошмайди,

Туманнинг иқлим ва физик-географик хусусияти шамол эсиб тургани учун кўриб чиқилаётган ҳудудда ҳавонинг сифати етарли даражада яхши, деган хулоса чиқаришга имкон беради.

#### **4.3. Тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ижтимоий иқтисодий шароит ҳақидаги маълумотлар**

Ўзбекистоннинг табиати икки хил хусусияти билан ажralиб туради - чўл ва тоғ олди ерлари кўп.



4.3.1-расм-Юза қатламдаги тупроқнинг кесма кўриниши



4.3.2-расм. БГҚИЗ қуриладиган жойдаги **ер** ва кулранг тупроқли зонанинг кўриниши.

БГҚИЗ қуриладиган ҳудуд асосан қўриқ ва лалми ерлардан иборат, тупроғи кулранг, тоғли жойларда жигарранг, карбонатли, тоғли жойларда шунингдек оч жигарранг, ғовак қўриқ

тупроқ ҳам учрайди ва бу хусусият Сурхондарёниг тоғли жойлари, Ҳисор зонасига хос ҳисоблаади.

Қурилиш бўладиган ҳудуд кулранг тупроқ қўп бўладиган классик миңтақалар сирасига киради (4.3.2-расм). Бу ерда кулранг тупроқнинг учта генетик грухи кўпроқ учрайди: қорамтири, оддий ва оч ранг.

Кулранг тупроқли ерларда ўсимлик зич ўсган, нисбатан тифиз чимни ҳосил қилган, бироқ йиллик динамикасида бир ҳолат тақрорланиб туради: баҳорда, ҳудудда ҳаво нам бўладиган даврда ўсимликлар тез кўкаради, бошқа мавсумларда эса қўп ўсимликларнинг ер устидаги кисми деярли тўлиқ йўқ бўлиб кетади. Кулранг тупроқнинг қуввати ва ундаги гумус миқдори ҳар хил, ер юзаси баландлашган сари кўпайиб боради, оч кул рангдан тўқ кул рангга ўтади.

Суфориладиган дехқончилик ишлари асосан қора тупроқли, оддий ва оч кулранг тупроқли, қўнғир кулранг, тақир, кулранг ўтлоқ, тақир ўтлоқ, ўтлоқ соз тупроқ, ўтлоқ аллювиал тупроқда бажарилади. Лалмикорлик қора тупроқ, оддий ва оч кулранг тупроқли ерларда бажарилади.

Тоғ яқинидаги кулранг тупроқли кўтарилиган ерлар суфорилади. Механик таркибиغا кўра тупроқ қўп ва ўрта суглинкали, скелетли.

Оддий кулранг тупроқли бир қанча ерлар тоғ олдидаги нишаб жойлардан ўтадиган кичик дарёлар томондан конуссимон бўлиб таҳлил қилинаётган ҳудудга туташган.

Кўриб чиқилаётган миңтақадаги кулранг тупроқли ер таркибида эрийдиган туз қўп бўлган жинслар устида бўлгани учун кўпинча шўр бўлади. Туз қоплаган тоғ жинсларидан ювилиб тушадиган туз бу жойлардаги тупроқнинг шўрини кўпайтирган. БГҚИЗ қуриладиган ер натрий сульфати кўпроқ бўладиган сульфатлар билан шўрланган.

Янгиланган маълумотга кўра Бойсун тоғининг флорасида 1564 хил ўсимлик бор (шундан 17 хили тор эндемик турли, яна 76 хили Ўзбекистоннинг Қизил китобига киритилган). Бироқ шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, нодир ўсимликларнинг кўпи туманнинг тоғли жойларида ўсади ва НГО уларга таъсир қилмайди.

Бойсун туманида асосан қуйидаги ўсимлик турларини ажратиб кўрсатиш мумкин: ксерофитли ярим бутасимон ўсимликлар, гипсофил ўсимликлар, ёрқин гулли тоғ пастида ўсадиган ўсимлик турлари; тоғда ўсадиган ксерофитлар. Ора-сира псаммофил ва тўқай ўсимликлари учрайди.

БГҚИЗ қуриладиган жой яқинида баҳор ва ёз вақтида Қизил китобга киритилган битта тур - Королков лоласи (*Tulipakorolkowii*) ўсади. Ўртacha олганда БГҚИЗ қуриладиган жойда 50 хил ўсимлик ўсади.

Инсон ўрганилаётган тумани ўзлаштирганига кўп асрлар бўлган. Дехқончилик қилишга қулай ерларнинг ҳаммасида суфориладиган ёки лалми экинлар экиласди. Қолган ерларнинг ҳаммасида аҳоли мол боқади.

Ўсимликларнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш қуйидаги прогнозни беради: ҳудудда катта миқёсли нефть ва газ операцияларини бажариш ва йўлдош инфратузилма тармоқларини қуриш ўсимликлар тўлиқ йўқ бўлиб, тупроқ қопламаси бузилгани учун табиий ўсимлик турлари ўрнининг аҳамияти йўқ, иккиласми ўт турлари олади, камёб турлар эса камайиб, йўқ бўлиб кетади. Доминант ўт турларига ковул, янтоқ, гармала, мимозка, шувоқ, ёйилиб ўсадиган лангар ўт, қумшоҳ, буғдойиқ ва бир қатор бошқа ўт турлари киради. Техника ва олиб келинадиган материаллар билан ҳудудга бошқа жойларда ўсадиган (инвазив) ўт турлари кириб келади ва тарқалади.

Лалмикорлик ва мол боқиши натижасида сут эмизувчиларнинг фактат ўзгарган табиат муҳитига мослашганлари қолади. Лойиха бажариладиган ҳудуд фаунасида сут эмизувчиларнинг 12 хил тури мавжудлиги аниқланган, улардан фактат узун игнали типратикан Ўзбекистоннинг Қизил китобига киритилган. Бошқа ҳайвон хилларидан жониворларнинг қуйидаги турлари кўпроқ тарқалган: қизил думли қумсичқон, шарқ берккулоги, ҳинд дала

сичқони, уй сичқони, кулранг хомяқ ва улар билан боғлиқ майда ваҳший ҳайвонлар - тулки, чўл мушуги, ласка, перевязка учрайди.

Ҳайвонот дунёси – фаунага таъсир қиласиган антропоген омиллар орасида асосийларидан бири – нефть ва газ операциялари бажарилгани сабабли жониворлар яшайдиган жойидан ажралиб қолиши ҳисобланади, бундан ташқари, майда чорванинг ортиқча боқилиши ҳам шу муаммони пайдо қиласи. Табиий ҳавф турлари табиий муҳит шароитида меъёрида ушлаб турилади – ваҳший ҳайвонлар кам бўлгани учун уларнинг борлиги фаунага ортиқча оғирлик туширмайди.

Лойиха бажарилиши режа килинган ҳудуд доирасида турли тоифадаги 3 та қўриқланадиган ҳудуд белгиланган (4.3.1-жадвал).

**4.3.1-жадвал. Лойиха бажариладиган ҳудуд доирасидаги қўриқланадиган табиий ҳудудлар рўйхати (01.01.2017 йилдаги ҳолатга кўра)**

№ t/b	Номи Табиий ҳудуд	Яратилган санаси ва асос	Умумий ер майдони (га)	Бўйсуниш даражаси		Қайси идорага тегишли
				Респ.	Маҳал.	
<b>I ТОИФА: Давлат қўриқхоналари</b>						
1	Сурхон	1987.ЎзССР Вазирлар Кенгашининг 08.09.86 йилдаги 445-қарори	23802,38	+		Давлат экология комитети
<b>VI ТОИФА: Сув қўриқланадиган зоналар</b>						
2	Шерободдарё	Вилоят Ҳокимининг 1995 йилдаги 43-қарори	2630		+	Сув хўжалиги вазирлиги
<b>VII ТОИФА: Ўрмон хўжалиги корхоналари</b>						
3	Бойсун	01.01.1928 йил	115949	+		Ўрмон хўжалиги вазирлиги

**Сурхон давлат қўриқхонаси**, Кўхитонг қирининг жанубий ён бағрида жойлашган, тоғда ўсадиган нодир арча дараҳтлари ва Қизил китобга киритилган бир қатор жониворларни сақлаб қолиш учун тузилган. Бундай жониворлар сирасига Бухоро тоғ арҳари, бурама шохли эчки, балобан, шохина, змеяда ва қора лайлак киради. Пашхўр даштида жойлашган қўриқхонанинг буфер зonasida жайронлар ажратилиб ҳимоя қилинади.



4.3.3-расм. Сурхон қўриқхонаси



4.3.4-расм. Шеробод дарёси яқинидаги водий ерлар

Қўриқхона БГҚИЗдан 55 км ғарбда жойлашгани учун НГО ишлаши қўриқланадиган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсир қилмайди.

**Шерободдарё ёки Шеробод дарёси** - Амударёнинг ўнг ирмоғи Дарёнинг умумий узунлиги 177 км, ҳавзасининг саҳни 2950 км<sup>2</sup>. Дарё Сурхондарё вилоятининг Қашқадарё вилояти билан чегарадош жойида, Бойсунтог билан Сариқия тоги ўртасидаги Иргайлида, тахминан 1980 м баландликда, Иргайли дарёси билан Қизилариқ дарёси қўшиладиган жойда бошланади. Бошланган жойидан Мачай қишлоғигача дарё жануби-ғарбга қараб оқади. Ундан сўнг жанубга бурилади (4.3.4-расм) ва шу ном билан аталадиган шаҳаргача Шеробод номини олади. Шеробод шаҳридан ўтганидан сўнг, номи Қорасув деб ўзгаради, жануби-шарққа қараб оқади, сўнг оқими жануби-ғарб томонга қараб ўзгаради. Ўзанининг охирига келганда дарё саёзлашади. Шўроб қишлоғидан ўтиб Амударёга қўйилади. Шеробод дарёси Дарбент, Дора, Сисанг, Хўжабулоқ, Мунчоқ ва Шеробод аҳоли яшайдиган жойларини сув билан таъминлайди.

Дарё ўзани ғарб томондан БГҚИЗ ҳудудига камида 13 км яқин келган. БГҚИЗ майдони атрофидаги вақтинчалик ариқларнинг бирортаси ҳам Шеробод дарёсига ёки унинг ирмоқларига қўйилмайди, шунинг учун НГО дарёнинг экологик тизимига таъсир қilmайди.

**Бойсун ўрмон хўжалиги** Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги энг эски ўрмон хўжаликларидан бири, Ҳисор тоғидаги бодомзор ва хандон пистали дараҳтзорларни асраш учун тузилган. Ўрмон хўжалигининг асосий ерлари Бойсун шаҳрининг шимол томонида, БГҚИЗ қуриладиган ҳудуддан узокда жойлашган (тахминан 24-27 км), шунинг учун НГО ўрмон хўжалиги ерларига таъсир қilmайди.

Оператор ҳар йили камёб ҳайвон ва ўсимлик турлари ҳисобини олади. Ҳисобга олиш натижаси эҳтимол қилинадиган салбий таъсирни камайтириш ҳақидаги тавсия ва тадбирлар рўйхати билан оралиқ ёки якуний ҳисбот кўринишида кўриқланадиган табиат зонасидаги Биологик хилма-хиллик бошқармасига топширилади.

Нефть ва газ операциялари бажариладиган жойнинг ўзида ва Инвестиция блоки ҳудудида тарихий ёдгорликлар ва маданият обидалари йўқ.

Бойсун тумани иқтисодиётининг асосини агросаноат мажмуаси ташкил қилади, Бойсун туман аҳолисининг кўп қисми қишлоқ хўжалигида ишлайди, бироқ иқтисодиётнинг олдида тоғ-кон соҳаси туради. Ҳусусан, туманда кўмир, бокситлар, яримметалл рудалар, калий тузи, қурилиш материаллари, шунингдек, олтингугурт, газ ва ёнувчан сланец олинади. Қурилиш бўладиган майдонга яқин жойлашган Кафрун шаҳарчасида лалми дехқончилик қилинади (экин суғорилмасдан ўстирилади). Табиий муҳитга антропоген таъсир асосан ортиқча мол боқилиши ва йўллар тармоғидан бўлади.

Қурилиш бўладиган жой атрофида вақтинчалик тупроқ йўллар ўтган. Автомобиль транспорти атмосферага, тупроққа ва йўл ёқасидаги ўсимликларга таъсир қилгани билан ҳаракат кам бўлгани учун ҳаводаги азот оксиди, углерод ва қурумнинг ўртача миқдори белгиланган санитария меъёрларидан ошмайди, ўрганилаётган ҳудудга асосан М-25 конини ўзлаштириш антропоген таъсир қилган.

Хулоса қилиш мумкинки, кўриб чиқилаётган жойлар ҳозирги кунда саноат объектларидан чиқиб турадиган чиқинди билан ифлосланмаган, атроф муҳит компонентларининг ҳолати тўлиқ чорвачилик ва дехқончилик хўжаликларининг маданияти ва газ конини ўзлаштиришга боғлиқ.

Сурхондарё вилоят Бойсун туман Ҳокимияти билан келишиб Оператор байрам кунлари халққа ижтимоий ёрдам бериш дастурини ишлаб чиқаяпти::

- бундай ёрдам 1941-1945 йиллардаги уруш ветеранлари ва иштирокчилари ҳамда бошқа уруш қатнашчиларига берилади;
- Бойсун туманидаги "Темир дафтар" рўйхатида турган фуқаролар ва уларнинг фарзандларига ёрдам берилади;
- Термиз шаҳридаги "12-Мехрибонлик уйи" болалар уйига кўмак берилади.

## **АТРОФ МУҲИТГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ ВА АТРОФ МУҲИТ ЎЗГАРИШ ЭҲТИМОЛИНИНГ ПРОГНОЗИ**

Бу бўлимда лойиҳа амалга оширилганда атроф муҳитга салбий таъсир қиладиган манбалар ва салбий таъсирнинг турлари ҳақида қисқача маълумот берилади.

5.1.-жадвалда лойиҳа амалга оширилгандан сўнг ифлослантирадиган моддаларнинг кутилаётган миқдори, сув истеъмоли ва оқова сув ҳажми кўрсатилган.

5.1-жадвал. Ифлослантирадиган моддалар, чиқинди ва оқова сувнинг кутилаётган миқдори.

<b>Майдон номи</b>	<b>Ҳавога чиқадиган тутун т/йил</b>	<b>Сув истеъмоли минг м3/йил</b>	<b>Оқова минг м3/йил</b>	<b>Чиқинди т/йил</b>
Тўплаш тизими	3847,0	-	-	433
Товар газ ўтадиган қувур	56,92578	-	-	200
"Насос станцияси-БГҚИЗ" сув йўли	-	4,0	-	11,55
БГҚИЗга келадиган автомобиль йўли	-	-	-	-
Келадиган темир йўл	-	-	-	-
106 нафар оила яшайдиган шаҳарча	10,25893	168,395	139,271	115,39
250 кишига мўлжалланган вахта шаҳарчаси	24,129379	47,91	19,197	171,202
Божхона терминали	0,49926	5,501	1,901	21
Бойсун ГҚИЗ	3170,356	2244,48	618,24	1200

### **Газ йиғиш ва жўнатиш тизими**

Қудуқлардан фойдаланганда атмосфера ҳавосига доим ифлослантирадиган моддалар чиқиб турмайди, ҳавога тутун фақат вақти-вақти билан, даврий, залп қўринишида чиқарилади. Тутун асосан КП машъалаларидан ва авария бўлганда электр қуввати беришга мўлжалланган ДЕСдан чиқади.

БГҚИЗдан "Шўртан-Шеробод" қувурига уланадиган газ ўтказадиган қувур тортилгандан сўнг ҳам атмосфера ҳавоси ифлосланмайди. УЗОУ, УПОУ, УЗРГ ва вақти-вақти билан, қисқа муддат ишлайдиган кран бўғинларида текшириш учун газ босим билан ҳайдалганда ҳавога ифлослантирадиган моддалар чиқиши эҳтимол қилинади. Бундай операциялар вақтида ҳавога чиқадиган моддалар залп қўринишида чиқадиган моддалар турига киради.

Газ ўтказадиган қувурлар шлейфидан, газ ўтказадиган қувурлар коллекторидан, товар газ ўтадиган қувурлардан жўнатишнинг технологик схемаси ишлаб чиқариш мақсадида сув ишлатилишини кўзда тутмайди. Лойиҳага кўра қудуқлардан ва йиғиш тизими қудуқли майдонларидан фойдаланиш автоматлар билан бажарилади, хизматчи ходимлар доим бўлиши талаб этилмайди. Шунинг учун сув истеъмоли ва сув оқовасини чиқаришга талаб йўқ.

Линияли қисмидан фойдаланганда ички юзаси механик аралашмалар, газ конденсати ва сув билан ифлосланиши мумкин. Товар газ жўнатиладиган қувурлар тозалангандага газ ўтадиган қувурда чиқинди – шлам ҳосил бўлади (2-синф ҳавф турига киради). Йигилган чиқинди вақти-вақти билан қайта ишлаш учун маҳсус корхонага топширилади.

**Ташки сув таъминоти тизими обьектлари ишлатилганда** атмосферага заарли моддалар чиқмайди.

Хизмат қиладиган ходимларнинг хўжаликда ишлатишга ва истеъмол қилишга эҳтиёжи қандай бўлишига қараб сув қурилмалари майдонига ва резервуарлар ўрнатилган майдонга битта одамга кунига 25 м<sup>3</sup> ҳисоблаб сув олиниди, бундан ташқари ҳар бирининг сифими 1000 м<sup>3</sup> бўлган 4 дона резервуарга сув заҳираси олиб қўйилади. Резервуарларга олинидиган бир йиллик умумий сув сарфи 4,0 мингм<sup>3</sup>ни ташкил этади. Фақат хўжалик ва майший эҳтиёж учун ишлатилган сув оқова сифатида чиқариб юборилади, бунинг миқдори эса майдонга хизмат қиладиган ходимларнинг сонига боғлиқ бўлади. Хўжалик ва майший мақсадда ишлатилган сув оқоваси оқиб, маҳсус чуқурларга тўкилади, кейин эса у ердан тортилиб яқинроқдаги тозалаш қурилмасига олиб борилади. Оқова сув ер рельефига ёки сув объектларига тўкилмайди.

Лойиҳадаги ташқи сув таъминот тизими объектлари фойдаланишга тушганидан сўнг хосил бўладиган КМЧ контейнерларга йиғилиб, шартнома асосида марказлашган усул билан яқинроқдаги маҳсус ҚМЧ полигонига олиб бориб ташланади.

**БГҚИЗга борадиган автомобиль йўли ишга тушганида,** ҳавога зарарли модда чиқарадиган стационар манбалар бўлмайди. Атмосфера кўпроқ БГҚИЗ қурилаётганда ва ишлаганда юк ва одамларни ташийдиган автотранспортдан ифлосланади. Ҳавога чиқадиган ифлослантирадиган моддаларнинг оғирлиги ишлатиладиган мотор мойига ва ҳаракат кўп ёки камлигига боғлиқ бўлади.

Агар корхонага борадиган йўл ёқаси кўкаламзорлаштирилайдиган бўлса уни суғориш учун сув керак бўлади. Оқова сувни тўкиш кўзда тутилмаган, сабаби суғоришга ишлатилган сув ўрни тўлмайдиган йўқотиш, деб ҳисобланади.

Йўлга тушган ёмғир сувини ариқчадан четга чиқариш учун лойиҳага кўра чуқурлиги 0,3 м бўлган юветлар қурилиши кўзда тутилган, жала суви эса автомобил йўлидан тупроққа сингади, ер ости сувлари эса даврий ҳамда кам бўлади.

**106 нафар оила яшайдиган турар жой шахарча ишлаган вақтида** фақат қозонхонадан чиқадиган тутун ҳавони ифлослантиради.

Майший оқова сув шундай сув тўпланадиган резервуарга келиб тушади, ундан эса, техник шартларга мувофиқ, Кафрун шаҳарчасининг канализация тизимиға ўтади.

Шаҳарчада яшайдиган инсонларнинг ҳаёт фаолиятидан майший коммунал чиқинди хосил бўлади (5-тоифа ҳавфли). Бундай чиқиндилар вақтинчалик сақланадиган жойларда сақланади, у ердан эса ҚМЧ полигонига олиб кетилади.

**250 нафар инсон яшайдиган Вахта шаҳарчаси ишлаган вақтда, фақат қозонхонадан чиқадиган тутун ҳавони ифлослантиради.**

Майший хўжалик оқовасини тозалаш учун қуввати кунига 45 м<sup>3</sup> бўлган, чўкмани механик сувсизлантирадиган блокли биологик тозалаш станциясини қуриш кўзда тутилган. Тозалангандан сўнг оқова сув буғлагич ҳовузга қўйилади.

Вахта шаҳарчасида яшайдиган инсонларнинг ҳаёт фаолиятидан йилига 160,68 тонна миқдорида коммунал чиқинди хосил бўлади (5-синф ҳавфли), тозалаш қурилмаларидан йилига 9,848 тонна лойка чўкма чиқади (4-синф ҳавфли), автомобиль ювиш жойидан тозалаш қурилмасида йилига 0,6 тонна миқдорида чўкма пайдо бўлади (4-синф ҳавфли), тиббий хонанинг чиқиндиси йилига 0,073 тонна атрофида бўлади (Б синф).

**Божхона терминали майдонида** фақат ЁММ омбори атмосфера ҳавосини ифлослантиради.

Майший хўжалик оқова суви сув ўтказмайдиган ўрада йиғилади, сўнг яқиндаги тозалаш қурилмасига олиб кетилади.

Божхона омбори майдонида резервуарларни тозалашдан йилига 15 тонна чиқинди - шлам пайдо бўлади (2-синф ҳавфли), бундан ташқари, йилига 6 тонна миқдорида коммунал чиқинди ҳам чиқади (5-синф ҳавфли).

**Лойиҳалаштирилаётган Бойсун ГҚИЗ ишга тушганидан сўнг,** атмосфера ҳавосини ифлослантирадиган 12 та манба ҳосил бўлади ва улар ишлаганда ҳавога газ ёнганда пайдо бўладиган маҳсулот чиқади. Корхона атмосферага чиқарадиган ифлослантирадиган моддалар

миқдори йилига 3170,356 тоннани ташкил этади. Ҳавога чиқадиган ифлослантирадиган модданинг асосий қисми – 54,6 фоиз олтингугурт диоксидидан иборат бўлади.

Атмосфера ҳавоси ифлосланиш даражасининг ҳисобига кўра 5000 метрлик санитария ҳимоя зонасидан (ШЗ) ташқарида ҳавонинг ифлослантирадиган моддалар миқдори рухсат этилган мөъёрдан ошиб кетмайди. Олдиндан айтиш мумкинки, олтингугурт ўтказадиган қувур ва БГҚИЗ қурилмалари авариясиз ишласа ҳавога чиқадиган моддаларнинг биоценозга таъсири жуда кам бўлади.

**Лойиҳалаштирилаётган объектлар ишлаган вақтда, атмосферага ифлослантирадиган моддалар чиқиб туради, лекин улар фақат маҳаллий жиҳатдан таъсири қиласи ва рухсат этилган даражадан ошиб кетмайди, сабаби БГҚИЗ ШЗдан ташқарида атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси Сурхондарё вилояти учун белгиланган квотани қаноатлантирадиган миқдорда бўлади.**

Лойиҳада яна сув ўтказадиган қурилмалар куриш назарда тутилган ва бу қурилмалардан олинадиган сув 29 километрик "ГҚИЗ насос станцияси" ариғидан лойиҳалаштирилаётган ГҚИЗ мажмуасига келиб хўжаликда ичимлик, ишлаб чиқариш ва ёнгинни ўчириш мақсадида ишлатилади. Сифати O'zDst 950 талабларига тўғри келадиган ичимлик суви корхонада ишлайдиган ходимларнинг хўжаликда ичимлик мақсадида фойдаланилади. Сувдан оқилона фойдаланиш мақсадида айланувчан сув таъминоти усули кўлланган.

БГҚИЗ объектларига керак бўладиган сув, хом сувни дастлабки тозалаш ва тақсимлаш тизими (У-261) етказиб беради, ичимлик суви тозалангандан сўнг бу қурилмадан қуийдаги мақсадларда истеъмол учун ишлатилади: ичимлик суви – 40,08 минг м<sup>3</sup>/йил, айланадиган сув (тўлдиришга сарфланади) – 1202,4 минг м<sup>3</sup>/йил, маъданансиз сув - 801,6 минг м<sup>3</sup>/йил, техник сув - 200,4 минг м<sup>3</sup>/йил, ёнгинни ўчирадиган сув (ёнгинни ўчирадиган сув турадиган резервуарларни тўлдиришга олинади - 3206,4 минг м<sup>3</sup>/йил). БГҚИЗ барча объектларининг сув истеъмол қилиши 6720 м<sup>3</sup>/сутка, 2244,48 минг м<sup>3</sup>/йилни ташкил этади.

БГҚИЗ ишлаган даврда ҳосил бўладиган оқова сув, Оқова сувни тозалаш тизимида (У-460) тозаланади ва бу тизимнинг асосий вазифаси - тозалангандан сув миқдорини максимал даражада қўпайтириш ҳисобланади ва шу усулда тозалангандан сувнинг сифати уни БГҚИЗда қайта ишлатиш учун етарли бўлади, қайта ишлатишнинг имкони бўлмайдиган сув оқими эса буғлагич ҳовузларга қуийлади ёки ер остига жўнатадиган махсус кон қудуқларига тўкилади.

**Бу борадаги лойиҳа ечими, табиатни асрараш имконини беришини алоҳида айтиб ўтиш керак ва бунинг натижасида корхона сувдан оқилона фойдаланади, замонавий технологияларнинг қўлланиши эса жиҳозлар техник жиҳатдан ишончли ишлашини таъминлаб уларнинг экологик тизимга салбий таъсирини камайтиради.**

1226,4 минг м<sup>3</sup>/йил миқдоридаги сув тозалаш тизимида (У-460) тайёрланган сув, сув билан совутиш тизимига (У-264) жўнатилади.

Бирламчи ҳисоб-китобларга кўра, ер остига жўнатиладиган ишлаб чиқариш оқова сувининг миқдори 1584 м<sup>3</sup>/кун; 578,16 минг м<sup>3</sup>/йил бўлади. М-25 конидаги йўлдош қатлам суви ва БГҚИЗ оқова сувини ер остига жўнатиш лойиҳаси кунига 2020 м<sup>3</sup> оқова сув ҳайдалишини назарда тутади.

Маиший хўжалик оқовасининг миқдори 120 м<sup>3</sup>/кун ва 40,08 минг м<sup>3</sup>/йилни ташкил этади. Бу оқовани шартли равишда тоза деб ҳисобланадиган ёмғир сувига қўшиб ҳовузга тўкиш ёки тозалаш қурилмалар ишлайдиган майдондаги махсус резервуарларга қуийш назарда тутилган, у ердан эса ер остига ҳайдалади.

БГҚИЗ объектлари ишлаганда БГҚИЗ технологик тизимларидан чиқадиган, ишлатиб бўлинган фильтрлаш элементлари, адсорбентлар, ишлатиб бўлинган катализаторлар, ишлатиб бўлинган сопол соққалар, ишлатилган мой, шлам, коммунал чиқиндиси кўринишидаги 2-5-синф ҳавфли ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари ҳосил бўлади. Бу чиқиндиларнинг аниқ миқдори ва таркиби лойиҳалашнинг кейинги босқичида белгиланади.

Чиқиндининг бир қисми, Ишлаб чиқариш чиқиндилари полигонида йиғилади ва сақланади, бир қисми маҳсулот етказиб берувчига жўнатилади ёки шартномага асосан утилизация қилиш, қайта ишлаш учун чет ташкилотга юборилади.

Ишлаб чиқариш хавфсизлиги қоидаларига амал қилинса, санитария ва гигиена талаблари бажарилса, ҳамда тўғри ишланса чиқинди атроф мухитга салбий таъсир қилмайди.

Лойиҳалаштирилаётган обьектлар курилганда ер текислаш, котлован қазиш ишлари натижасида тупроқ ва грунтга бўлган салбий таъсир курилиш тутаганидан сўнг бузилган ер майдонлари ерни техник қайта тиклаш йўли билан камайтирилади. Лойиҳалаштирилаётган курилмалар ишлаган даврда тупроқ ва грунтга бевосита қўшимча таъсир бу жиҳозлар конструкциясининг оғирлигидан бўлади.

Бинолар, иншоотлар, ходимлар, шунингдек, жоноворлар ва ўсимлик турларининг авариявий ҳолатда бўлиши кўп зарар етказиши мумкин, авария бўлишининг олдини олиш учун эса корхонада бино ва технологик жиҳозлар ишончли ишлашини таъминлайдиган маҳсус техник тадбирлар ўтказилиши назарда тутилган.

Лойиҳа обьектларининг ҳаммаси қуриб бўлинганидан сўнг, кутиладиган ижтимоий иқтисодий ўзгаришлар нафақат янги иш жойлари очилиши билан, балки мамлакат иқтисодиёти ва халқни энергия ресурслари билан таъминлаш билан ҳам боғлиқ бўлади, шунинг учун ижобий ва аҳамиятли деб баҳоланади.

Лойиҳани амалга ошириш қўйидаги имкониятларни беради:

- "Ўзбекистон мустақиллиги" инвестиция блокида ўтказилган батафсил геологик ўрганишга асосланиб хулоса қилиш мумкинки, табиий газ узоқ вақт барқарор етказиб турилиши кафолатини беради;
- минтақадаги аҳоли ва саноат корхоналарини ёқилғи-энергетика ресурслари билан таъминлайди, бу эса ўз навбатида энергияга билан боғлиқ саноат турлари ривожланишига туртки беради, минтақага инвестицияларни кўпроқ жалб қиласди;
- Ўзбекистоннинг табиий газ ва ундан олинадиган юқори қўшимча қийматли маҳсулот - полимер материаллар, улардан олинадиган буюмларни (ГКК ишга тушганидан сўнг) экспорт қилиш салоҳиятини оширади;
- 1000 тадан кўп янги иш жойларини очади.

## ЭХТИМОЛ ҚИЛИНАДИГАН АВАРИЯ ҲОЛАТЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Газни қайта ишлайдиган завод (ГҚИЗ) газ-кимё мажмуасининг бир тури бўлган, алоҳида қурилмалар ва ишлаб чиқариш турлари, битта технология жараёни билан боғланган мураккаб техник обьект ҳисобланади. Технологик жараён ишончли ишлашини ошириш учун замонавий ГҚИЗ одатда, бир нечта технологик линиядан иборат бўлади.

БГҚИЗда "Мустақилликнинг 25 йиллиги" (М-25) газ конидан олинадиган хом газ қайта ишланади ва ундан товар гази ва олтингугурт ишлаб чиқарилади. Табиий газ тез ёнадиган ва портлаш хавфи юқори бўлган маҳсулотлар сирасига киради. Қайта ишлайдиган қурилмаларнинг портлаш хавфи нафақат газнинг физик ва киёвий хусусиятлари билан, балки технологик жараён кўрсаткичлари билан ҳам белгиланади.

БГҚИЗда қайта ишланадиган маҳсулотнинг ўзига хос томони шундаки, олинадиган хом ашё (газ) таркибида нордон компонентлар, яъни, водород сульфиди ( $H_2S$ ) ва углерод диоксида ( $CO_2$ ) кўп.

Маълумки,  $H_2S$  ва  $CO_2$  коррозияга олиб келувчи кучли аралашма ҳисобланади ва маълум шароитда пўлат қувур йўллари ва жиҳозларга жиддий хавф яратади, уларнинг шикастланиши ва/ёки бузилиши атроф муҳитни ифлослантириши, маҳсулот йўқолишига сабаб бўлиши, моддий зарап етказиши ва бошқа салбий оқибатларни юзага келтириши мумкин.

Водород сульфиднинг яна битта салбий (инсонлар ва жониворлар ҳаёти учун хавфли) томони - у ўта заҳарли ҳисобланади ва бу жиҳатдан 2-синф хавфли моддалар гуруҳига киради. Водород сульфида - рангсиз, ёнадиган газ, асабга таъсир қиласиган кучли заҳар, нафас олишдан тўхтатиб ўлдиради. Ҳаводан оғир бўлгани учун авария вақтида ҳавога чиқсанда ёки оқсанда  $H_2S$  ер юзасига яқин жойда тарқалиб чуқурроқ жойларда тўпланади ва шунинг натижасида заҳарланиш эҳтимолини кўпайтиради.

БГҚИЗ технологик жиҳозларига хос ва обьектларда авария бўлишига сабаб бўлиши мумкин омилларга қуидагилар киради:

1. Жиҳозлар ичида тез ёнадиган ва портлаш хавфи бор табиий газ бўлиши, бундан ташқари ёндирадиган воситаларнинг (форсункалар, печларнинг) ишлаб туриши блок герметиклигини авария содир бўладиган даражада бузилишига, натижада ёнғин чиқиши, портлаш бўлишига олиб келиши мумкин;
2. Жиҳозларнинг босим билан, баланд ҳароратда ишлаши;
3. Инсон омили: жиҳозлар ишлатилишининг технологик тартибига амал қилмаслик, конструкция мустаҳкамлиги ҳисобланганда адашиш;
4. Назорат-ўлчов асбобларининг бузилиши;
5. Макон ва вақтга боғлиқ омиллар;
6. Объектда даврий жараёнлар ва жиҳоз иш режими ўтувчанилиги бўлиши.

Ушбу технологик жиҳозлар ишлатилган тақдирда БГҚИЗ обьектларида авария бўлиши ва тарқалишининг эҳтимол қилинадиган сабабларига қуидагилар киради:

1. Ишлаш кўрсаткичларининг хавфли кўрсаткичлардан ошиб кетиши;
2. Механик мустаҳкамликнинг камайиши (конструкцияда камчилик бўлиши);
3. Жиҳозларнинг коррозиядан емирилиши;
4. Мустаҳкамлик йўқолиши натижасида жиҳозлар герметиклиги бузилиши;
5. Ёнғин сабабли ёки ёнма-ён турадиган жиҳоз қувур йўли ёрилгани учун герметиклиги йўқолганидан жиҳоз герметиклигининг бузилиши (домино эффекти);
6. Табиий ёки техноген хусусиятли ташқи таъсир;
7. Рухсат этилмаган четдан аралashiш.

Ишлаб чиқариш технологик хужжатларини таҳлил қилишдан маълум бўладики, электр энергияси келишида узилиш сабабли, инерт газ, сув, буғ, КИП ҳаво билан боғлиқ авария ҳолати юзага келганда, хизмат қилувчи ходимларнинг хатосиз ҳаракати, хавфсизлик (беркитиш) ва мувофиқлаш тизими соз бўлиши, ишлаб чиқаришни тўхтатиб бирор хавфли вазият бўлиши олдини олишга имкон беради. Бундай вазиятда ходимларнинг ишлаб

чиқаришни қандай тўхтатиши "Авария ҳолатларини тарқатмаслик ва йўқотиш режаси" (АХТЙР) билан белгилаб қўйилади.

Ушбу Лойиҳага хос ва бошқа корхоналарда ҳам кўп бўладиган, саноат хавфсизлиги ва экологик хавфсизликка таъсир қиласиган асосий омилларга қуидагилар киради:

1. жиҳозлар, қувур йўллари, беркитгич ва сақлагич арматуранинг техник ҳолати;
2. технологик жараёнларни автоматик ҳимоя қиласиган ва бошқарадиган асбобларнинг борлиги, техник ҳолати ва тўғри ишлатилиши;
3. ходимларнинг малакаси, уларнинг технологик ва меҳнат интизомига амал қилиши;
4. хизмат қиласиган ходимларнинг авария вазиятлари ва аварияни тарқатмасликка ва йўқ қилишга тайёрлиги;
5. ёнгинни учирадиган воситалар ўрнатилгани, ходимларнинг шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиши;
6. раҳбариятнинг хавфсизлик ҳолати ва меъёллар амал қилинишини назоратга олиши.

## САЛБИЙ ТАЪСИРНИ КАМАЙТИРИШ ТАДБИРЛАРИ

### 7.1. Атроф мухит ҳимоя қилинишининг ташкилий техник тадбирлари

- Корхона хавфсиз меҳнат шароитини яратиб, ходимлар ва яқин атрофдаги қишлоқ ва шаҳарларда яшайдиган аҳолининг соғлиғини ҳимоя қилиб, ҳамда атроф мухитни асраб ишлаб чиқариш фаолияти натижаси билан лойиха амалга ошириладиган БГҚИЗ ҳудуди ва унинг атрофида экологик ахвол яхши бўлиши ўртасидаги мувозанатни сақлаб ишлашга ҳаракат қилиши керак.
- Кўриб чиқилаётган лойихада қурилиш бўлаётган вақтда ва корхона ишлайдиган даврда фаолияти режа қилинган обьектнинг атроф мухитга салбий таъсирини енгиллаштирадиган ва истисно қиладиган ташкилий, техник ва технологик ечимлар қабул қилинган, бунинг учун зарур бўладиган тадбирлар белгилаб қўйилган.
- Қўйидагилар қурилиш-монтаж ишлари сифатли бўлишини таъминлайди: қўлланилган материал сифатининг баландлиги: ижрочиларнинг малакаси тўғри келиши; технологик интизом ва меҳнат интизомига амал қилиш; ишлаб чиқариш назорати дикқат билан, вақтида ўтказилиши; ишлаб чиқариш бўлинмалари ва хизматларининг барча иш турлари бажарилишини назорат қиладиган малакали мутахассислар билан таъминланиши.
- БГҚИЗ ишлаган даврда атрофдаги табиий мухитга ва инсонлар соғлиғига унинг салбий таъсирини камайтириш мақсадида лойихада технологик, ёнғинга қарши, зилзилага қарши, коррозия бўлишига қарши ва бир қатор бошқа тадбирлар бажарилиши назарда тутилган.
- Хавфсизликни таъминлайдиган вазифалар сирасига қўйидагилар киради (аҳамияти кўпроғи юқорида ёзилган):
  - ишлайдиган ходимларни ҳимоя қилиш;
  - атроф мухитни ҳимоя қилиш;
  - қурилма ва жиҳозларни ҳимоя қилиш ва улар бузилишини камайтириш.
  - Бошқарув тизими доим кузатилиши ва назорат қилиниши; автоматик ва механик асбоб ва тизимлар бўлишини таъминлаш; жиҳозларнинг ҳолати ёки иш шароитида оғиш бўлишига автоматик жавоб бериш имкониятининг бўлиши ва муаммоли қурилмаларни тўхтатиб ёки ажратиб қўйиб бундай вазиятга тез жавоб бериш натижасида ушбу вазифаларда қўйилган мақсадга эришиш мумкин.
  - Лойихалаштирилаётган обьектлар ишлаган даврда уларнинг атроф мухитга тушадиган оғирлигини камайтириш учун лойихада қўйидаги умумий тадбирларни бажариш кўзда тутилган:
  - кувур ўтказгичларнинг ҳаммаси мажбурий тартибда коррозияга қарши қоплама билан қопланади;
  - металл коммуникация ва жиҳозлар ЭКҲ тизими билан таъминланади;
  - барча технологик майдонлар ёнғин сигнализацияси ва ёнғин чиқишига қарши барча зарур воситалар билан таъминланади;
  - майдонлар ташқаридан ёритилади, уларга яшин қайтаргичлар ўрнатилади ва ерга туташадиган воситалар билан жиҳозланади;
  - корхонага бегона инсонларнинг киришига қарши қўриқлаш чоралари кўрилади;
  - хабар бериш ёки фавқулодда вазият бўлганда шошилинч чора кўриш учун корхона обьектларига технологик алоқа воситалари ўрнатилади;
  - технологик жиҳозларга сақлагич клапанлар ўрнатилади;
  - баланд юқори волътили электр узатиш линия устунларида қушлар ҳалокатининг олдини олиш учун қозиқсимон изоляцияли темир бетон ва металл устунларнинг

очиқ ток ўтказадиган симларини қушларни ҳимоя қиладиган замонавий маҳсус воситалар (полимер қопламалар) билан қоплаш;

- оқиши хавфи бор жиҳозлар остига поддонлар қўйилиши керак;
- тупроқ қопламаси ва мавжуд биоценозга таъсирини камайтириш учун барча коммуникациялар ва автомобиль йўллари битта қаторда бўлади;
- технологик эҳтиёжлар ва авария вазиятларида машъала ишлатиш ва ҳ.к.
- Лойиҳа учун қабул қилинган технологик жиҳозлар газни қайта ишлаш борасидаги замонавий талабларга жавоб беради.

## 7.2. Лойиҳанинг экологик мониторинги

Оператор Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги ва Маҳсулот тақсимотига оит битимнинг 5-иловаси 5 ва 24.8-моддалари талабларини ижро этиш мақсадида ҳудуднинг Экологик аудитини ўтказди (“Ўзбекистон Республикаси Сурходарё вилоятида газ-кимё комплексини куриш билан “Мустақилликнинг 25 йиллиги” конида дастлабки қидирув ва уни ишлатиш билан бирга “Ўзбекистон Мустақиллиги” инвестиция блокига нисбатан МТБ бўйича Экологик аудитни ўтказиш, 2018 йил) ва Нефт-газ операцияларини ўтказиш ҳудудларида уларни амалга ошириш бошланганидан буён доимий Экологик мониторингни олиб бормоқда.

Майдонлардаги атроф муҳит мониторинги Ўзбекистон Республикасида атроф муҳитни мониторинг қилиш миллий тизими (АММҚИТ) доирасида, амалдаги қонунчиликка мувофиқ олиб борилади.

Атроф муҳит мониторингини ўтказиш умумий принципларини амалга ошириш атроф муҳитнинг ҳолатини ва унга табиий ҳамда антропоген омиллар таъсир қилишини кузатиб бориш, маълумот йиғиш ва унинг ишлаш регламенти, ахборотни таҳлил қилиш ва сақлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва бажариш, атроф муҳитнинг ҳолати ва унга табиий ҳамда антропоген омиллар таъсир қилиш прогнозини ишлаб чиқиш, бу борада маълумот тайёрлаб уни давлат органлари, ҳуқуқий шахслар ва фуқароларга тақдим этиш орқали амалга оширилади.

Экологик мониторинг деганда лойиҳалаштирилаётган обьектлар жойлашган ерларда табиий ва антропоген таъсир натижасида атроф муҳитнинг ўзгаришини кузатиш, баҳолаш ва прогнозини беришнинг комплекс тизими тушунилади.

Мониторинг қўйидаги турларга бўлинади:

- қурилиш вақтидаги мониторинг;
- фойдаланиш вақтидаги мониторинг;
- чиқинди тўпланадиган обьектлар ҳудудида ва уларнинг ОСга таъсир қилиш чегарасида атроф муҳит ифлосланиши мониторинги.

Маҳаллий экологик мониторинг тизим қўйидаги йўналишларда атроф муҳитга таъсири назорат қилинишини ўз ичига олади:

- атроф муҳит компонентларини кузатиш (ҳаво, ер усти ва ер ости сувлари, чукур тубидаги чўқмалар, тупроқ қопламаси, ер устидаги ҳайвонлар, гидробионтлар ва ўсимлик дунёсини);
  - физик таъсирни назорат қилиш;

Хўжалик фаолияти ва бошқа фаолият юритиш давомида атроф муҳитни қўриқлаш, табиат ресурсларидан унумли фойдаланиш ва уларни тиклаш борасида тадбирлар ўтказиш мақсадида, шунингдек, миллий қонунчилик билан белгилаб қўйилган атроф муҳитни асраш борасидаги талабларни бажариш учун табиатдан фойдаланувчилар ишлаб чиқариш экологик назоратини (ИЧЕН) амалга оширишлари шарт.

ИЧЕННИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ ҚУЙИДАГИЛАРДАН ИБОРАТ БЎЛАДИ:

- табиатни асрар талаблари бажарилишини назорат қилиш;
- атроф мухитни қўриқлаш тадбирлари бажарилишини назорат қилиш;
- хавфли чиқиндилар билан ишлашни назорат қилиш;
- атроф мухитга бўладиган таъсирнинг белгиланган меъёр ва лимитлари вақтида ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини назорат қилиш, бунинг учун тегишли рухсатларни олиш;
- ташкилот фаолияти натижасида атроф мухитга чиқарилаётган ифлослантирувчи моддаларнинг тури ва микдори ҳамда табиатга бўлаётган физик таъсир даражаси ҳисобга олиннишини назорат қилиш;
- атроф мухитни қўриқлаш борасида тегишли ҳужжатлар юритилишини назорат қилиш;
- атроф мухитнинг ҳолати ва ифлосланиши, шу жумладан, авария натижасида бўлган ифлосланиш, ифлосланиш манбалари ҳақидаги маълумотни ҳамда ташкилотларда атроф мухитни қўриқлаш ишини тартибга соладиган ҳужжатлар билан назарда тутилган бошқа маълумот вақтида топширилишини назорат қилиш;
- атроф мухитни қўриқлаш соҳасида, давлат статистик кузатуви тизими, давлат бошқарув органлари билан ахборот алмашиш тизими билан назарда тутилган маълумот тўғри бўлиши ва вақтида топширилишини назорат қилиш;
- атроф мухитни асрар, табиатдан фойдаланиш мавзусида ходимларнинг ўқиши ташкил этилиши, йўриқнома олишлари ва билимлари синалишини назорат қилиш;
- атроф мухитга салбий таъсир этадиган обьектлар жойлашган ерда атроф мухитнинг ҳолатини назорат қилиш;
- ўз далилларига асосланиб атроф мухитни қўриқлаш ва экологик хавфсизлик борасидаги ишлар техник регламент талабларига мувофиқ эканини тасдиқлаш.

ИЧЕН дастури ишлаб чиқариш обьектидан фойдаланганда экологик хавфсизликни таъминлашга, ушбу обьектда экология ва санитария меъёрлари бузилишини олдини олишга ҳамда шундай вазият юзага келганда уларни бартараф этишга тайёргарлик бўлишини таъминлашга қаратилган тадбирлар мажмусини бажариш йўли билан амалга оширилади.

ИЧЕН обьектлари деганда ишлаб чиқариш, қурилиш, фойдаланиш, корхона хўжалик фаолиятига тегишли маҳсулотни сақлаш ва утилизация қилиш билан боғлиқ атроф мухитга салбий таъсир қиласидиган обьект ва манбалар тушунилади.

Ишлаб чиқариш таҳлилий экологик назорат тартиби, белгиланган тартибда ишлаб чиқарилган таҳлилий назорат режаси ва жадвалларига асосан белгилаб қўйилади.

Ишлаб чиқаришни таҳлилий назорат қилишга қоидага кўра шартнома асосида аккредитация қилинган таҳлил лабораториялари жалб этилади.

Корхона ишлагандан, ишлаб чиқаришни экологик назорат қилиш тартиби БГҚИЗ тасдиқлаган низомлар билан тартибга солинади. Ишлаб чиқаришни назорат қилиш дастурига мувофиқ корхонадаги назорат ишини корхона раҳбари, экологик хизмат, таркибий ташкилот раҳбарлар хизматлари (бош муҳандис, энергетик, технолог, механик ва х.к. хизматлар) ҳамда ишлаб чиқариш бўлинмалари амалга оширишади. Экологик хизмат корхонанинг таркибий бўлинмаси ҳисобланади. Экологик хизматнинг асосий вазифаси қуйидагича бўлади:

- корхона бўлинмалари табиатни асрар қонунчилигига риоя этишларини назорат қилиш;

экологик хавфсизлик борасида корхона сиёсатини амалга ошириш учун ишлаб чиқариш экологик назоратини олиб бориш, атроф мухитни қўриқлаш, табиий ресурслардан

оқилона фойдаланиш ва бошқа масалалар юзасидан белгиланган тадбирлар бажарилишини таъминлаш.

2018-2020 йилларда ўтказилган Экологик мониторинг **Оператор фаолияти атроф мухитга бевосита ёки билвосита таъсир қилмаслигини кўрсатди.**

## ХУЛОСА

Ўзбекистон ва Халқаро ҳамжамият аҳоли ва сайёрани ҳаво ифлосланиши ва иқлим ўзгаришининг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш учун, атроф мухитга салбий таъсирни камайтириш борасида бажариладиган ишларнинг муҳим эканини эътироф этаяпти.

“Ўзбекистон мустақиллиги” инвестиция блокида геологик қидирув ишлари ва “Мустақилликнинг 25 йиллиги” конида қўшимча қидирув ва ўрганиш ишларини олиб борган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Сурхондарё вилоятида газ-кимё комплексини қуриш” лойиҳаси обьектлари АМТБ иши амалдаги меъёрий хужжатлар талабларига мувофиқ, лойиҳа амалга оширилганда унинг атроф мухитга таъсирини дастлабки баҳолаш мақсадида ўтказилди.

Лойиҳа бажарилишининг атроф мухитга таъсирини баҳолаш атроф мухитнинг ҳозирги ҳолатига асосланиб, лойиҳа ечимини таҳлил қилган ҳолда ўтказилди.

Ўрганилаётган ҳудуднинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш ўрганилаётган жойдаги табиий мажмуалар барқарор эканини кўрсатди.

Табиий мухит ҳолатини прогноз қилиш шуни кўрсатдики, лойиҳада белгиланган табиатни асраш тадбирлари бажарилса, обьект қуриладиган ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашиш эҳтимоли бўлмайди.

Лойиҳа обьектлари ишга тушганидан сўнг, ишлаб чиқариш фаолиятининг энг устувор йўналиши замонавий технологияларни татбиқ этиш, энергия ва ресурсларни тежаш борасидаги қўйилган мақсадларга эришиш, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат хавфсизлиги, саломатлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги талабларга қатъий амал қилиш йўли билан инсонлар ва атроф мухитни эҳтиёт қилиш бўлади.

Кўзда тутилган фаолиятнинг амалга оширилиши бутун маданий дунёда қабул қилинган барқарор ривожланиш тамойилларига мувофиқ келади, яъни унга кўра чиқариладиган маҳсулот сифатини энг баланд халқаро стандартлар даражасигача оширишга атроф мухитга таъсири рухсат этилганидан кўпайиб кетмагандагина эришилади.

Кўриб чиқилаётган лойиҳа атроф мухитни асраш борасида белгиланган меъёрларга мувофиқ келади. Табиатни асраш тадбирларига риоя этилгандагина, лойиҳани амалга ошириш мумкин ва зарур деб ҳисобланади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг 28.09.2006 йилги "Хавфли ишлаб чиқариш обьектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида"ги ЎРҚ-57 сонли Қонуни
2. Ўзбекистон Республикасининг 30.09.2009 йилги "Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги ЎРҚ-226 сонли Қонуни
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги "Атроф мухитга таъсирни баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 541-сонли Қарори;
4. ҚМҚ 2.01.01-94. Лойиҳалаш учун олинадиган иқлим ва физик геологик маълумот. ЎзР Давлат архитектура ва қурилиш комитети Тошкент. Ибн Сино нашриёти, 1994. Кўлланма хужжат;
5. ҚМҚ 2.04.02-97. Сув таъминоти. Ташқи тармоқ ва иншоотлар.
6. ҚМҚ 2.04.03-97. Канализация Ташқи тармоқ ва иншоотлар.
7. ҚМҚ 2.04.01-98 Бинолар ички сув ўтказиш қувурлари ва канализацияси
8. Ўз Дст 950:2011. Ичимлик суви. Гигиеник талаблар ва сифат назорати. Тошкент, 2011 йил.
9. ЎзДст 948:2016 "Магистрал қувурларга узатиладиган ва уларда ташиладиган ёнувчан табиий газлар". ТШ. Тошкент
10. Ўзбекистон Республикаси СанМҚ № 0297-11 "Ўзбекистон Республикаси шароитида аҳоли яшайдиган жойлар ҳудудини қаттиқ майший чиқиндидан (ҚМЧ) тозалаш санитария меъёрлари ва қоидалари". Тошкент, 2011 йил.
11. ЎзР СанМҚ № 0294-11 "Иш жойи ҳавосидаги заарли моддаларнинг рухсат этилган концентрация чегараси".
12. СанМҚ № 0350-17 Ўзбекистон Республикаси аҳоли яшайдиган жойларида атмосфера ҳавосини кўриқлаш санитария меъёрлари ва қоидалари
13. ЎзР СанМҚ № 0128-02 "Ўзбекистон Республикаси шароитида токсик саноат чиқиндиларининг гигиеник классификатори". Тошкент, 2002 йил.
14. ЎзР СанМҚ № 0157-04 "Ўзбекистон шароитида қаттиқ майший чиқиндини маҳсус полигонларда сақлаш ва заарсизлантиришга қўйиладиган талаблар". Тошкент, 2004 йил.
15. Лойиҳа хужжатлари.



SURHAN GAS CHEMICAL  
OPERATING COMPANY

**Нотехник характерга оид қисқача маълумот**



## **ИЛОВА**

**Инвестиция блоки объектларига ишлаб чиқилган АМТҲБЛ рўйхати**

<b>№</b>	<b>Хужжат номи</b>	<b>ДЕЕ холосаси</b>
1	АМТҲБЛ "Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги "Мустақилликнинг 25 йиллиги" конида углеводород олиш учун №1-О сонли баҳолаш қудуғини қуриш"	18/2180z 24.11.2017йил
2	ЭП "Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги "Мустақилликнинг 25 йиллиги" конида углеводород олиш учун №1-О сонли баҳолаш қудуғини қуриш" ЭОБ	03-01/13-08-188 25.01.2018 йил
3	"ГКК қуриш билан бирга "Мустақилликнинг 25 йиллиги" конини қўшимча қидирув ўтказиш ва қўшимча кон ишларини бажариш" лойиҳаси АМТБ ДТИА	03-01/13-08-1109 29.05.2018 йил
4	3Д сейсмикаси АМТҲБЛ	03-01/13-08-1680 09.08.2018 йил
5	"Мустақилликнинг 25 йиллиги" конида 2ОЕ-6ОЕ сонли бешта фойдаланишни баҳолаш қудуғини қуриш" АМТҲБЛ	01-01/13-08-2754 18.12.2018 йил
6	"Мустақилликнинг 25 йиллиги" конида 2ОЕ-6ОЕ сонли бешта фойдаланишни баҳолаш қудуғини қуриш" ЭОБ	01-01/10-08-563 02.04.2019 йил
7	2Д сейсмикаси АМТҲБЛ	01-01/10-08-607 11.04.2019 йил
8	"Мустақилликнинг 25 йиллиги" конида №1В-П, №2В-П, №3В-П, №4В-П, №5В-П, №6В-П қидирув қудуқларини қуриш" АМТҲБЛ	01-01/10-08-661 16.04.2019 йил
9	"Мустақилликнинг 25 йиллиги" конида № 7В-ОЕ, № 8В- ОЕ, № 9В- ОЕ, № 10В- ОЕ фойдаланишни баҳолаш қудуқларини қуриш" АМТҲБЛ	03-01/10-08-826 06.05.2019 йил
10	2Д сейсмикаси ЭОБ	01-01/10-08-1401 05.07.2019 йил
11	"Мустақилликнинг 25 йиллиги" конида №1В-П, №2В-П, №3В-П, №4В-П, №5В-П, №6В-П қидирув қудуқларини қуриш" ЭОБ	01-01/10-08-1816 16.08.2019 йил
12	"Мустақилликнинг 25 йиллиги" конида № 7-ОЕ, № 8- ОЕ, № 9- ОЕ, № 10- ОЕ фойдаланишни баҳолаш қудуқларини қуриш" ЭОБ	01-01/10-08-1824 16.08.2019 йил
13	"Когнисой майдонида № 1-Ж қидирув қудуғини қуриш" АМТҲБЛ	01-01/10-08-2764 09.12.2019 йил
14	"Юқори ер остида фойдаланиш қудуғини қуриш" АМТҲБЛ	01-01/10-08-610 24.04.2020 йил
15	"Пастки ер остида фойдаланиш қудуғини қуриш" АМТҲБЛ	01-01/10-08-611 24.04.2020 йил

16	"Когнисой майдонида № 1-Ж қидирув қудуғини қуриш" ЭОБ	01-01/10-08-612 24.04.2020 йил
17	"Мустақилликнинг 25 йиллиги" конидаги 11-П(Пз) Палеозой чўкмасида қидирув қудуғини қуриш" АМТҲБЛ	01-01/10-08-613 24.04.2020 йил
18	"Дала шароитида 2Д қидирув ва тафсилотли сеймик қидириш ишларини ўтказиши" АМТҲБЛ	01-01/10-08-614 24.04.2020 йил
19	"ВБвАИ (Аваншаҳарча, БСУ, ЁММ назорат биноси ва қувур ўтказгичлар онбори АМТҲБЛ	01-01/10-08-926 03.07.2020 йил
20	"Юқори ер қатлами остида фойдаланиш қудуғини қуриш" ЭОБ	01-01/10-08-1099 27.07.2020 йил
21	"Пастки ер остида фойдаланиш қудуғини қуриш" ЭОБ	01-01/10-08-1100 27.07.2020 йил
22	"Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилоятидаги "Мустақилликнинг 25 йиллиги" конидан тажриба сифатида ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланиш" АМТҲБЛ	01-01/10-08-1364 15.09.2020 йил
23	"Бойсун газни қайта ишлаш заводини қуриш" АМТҲБЛ ер чўкмасидан газ олиш тизими ташқи инфратузилма обьектлари ва қурилиш босқичи обьектлари. Товар газ қувур ўтказгичи"	01-01/10-08-1988 12.12.2020 йил
24	"ВБвАИ (Аваншаҳарча, БСУ, ЁММ назорат биноси ва қувур ўтказгичлар онбори)" ЭОБ	01-01/10-08-1989 22.12.2020 йил
25	"Бойсун газни қайта ишлаш заводини қуриш" АМТҲБЛ 1 Ташқи инфратузилма обьектлари ва қурилиш босқичидаги обьектлар: ГҚИЗга борадиган автомобил йўли. Сув таъминоти (асосий манба). 250 кишига мўлжалланган вахта шаҳарчаси. 106 нафар оила яшайдиган шаҳарча. Божхона терминали. Келадиган темир йўл.	01-01/08-2007 23.12.2020 йил
26	"Мустақилликнинг 25 йиллиги" конидаги 11-П(Пз) Палеозой чўкмасида қидирув қудуғини қуриш" ЭОБ	01-01/10-08-124 29.01.2021 йил